Ушбу мақолада ўзбек тилида синонимлар корпусини тузиш тамойиллари, меъёрлари ва босқичлари ҳақида сўз юритилади. Корпус тилшунослигининг Ўзбекистонда ўрганилиш тарихи, миллий корпус яратишга оид тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, глобаллашув шароитида ўзбек тилининг синонимлар корпусини яратиш масаласи тилимизнинг равнақи учун нечоғлик муҳим эканлиги, тилшуносликда электрон дастурлар ёрдамида она тилини ўрганишнинг аҳамияти алоҳида қайд этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда замонавий ўзбек тилининг синонимлар корпусини яратиш бўйича дастлабки ҳаракатлардан бири сифатида ишнинг тадқиқот талаблиги асосланган.

Мақолада лексик бирликлар синонимларининг корпусларда берилиши "юз" сўзи мисолида таҳлил қилинган ва унинг интерфейси намуна сифатида келтирилган. Унда "юз" сўзининг қайси сўз туркумига мансублиги, омоними, антоними, таркиби, ясалиши, услуби, тузилиши, даражаланиш қатори, маъноси, этимологияси, ишлатилиши, рус ва инглиз тилларидаги муқобиллари келтирилган. Бу ўз навбатида ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганувчилар ва тилни масофадан ўргатиш учун электрон дарсликлар, ўзбек тилининг электрон лугларини яратиш, машина ва автоматик таржима масалаларини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Ушбу тадқиқот ишида синонимлар корпусини яратиш мақсадида ўзбек тилида мавжуд саккизта лингвистик лугатлардан иборат лексикографик манбалардан фойдаланилди.

Синонимлар базасини яратиш борасидаги мазкур иш ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш тўғрисида тадқиқотларнинг бошланишидир. Бошқа тил ҳодисалари ва бирликларининг базасини яратиш ўзбек тилининг корпусини яратиш борасидаги тадқиқотларнинг давомидир.

**Таянч сўзлар:** корпус, миллий корпус, синонимлар корпуси.

---

#### ПРИНЦИПЫ СОЗДАНИЯ СИНОНИМИЧЕСКОЙ БАЗЫ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОРПУСОВ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Эшмунинов Асқар Алламурадovich

Узбекский лингвистический факультет, Термезский государственный университет

В данной статье рассматриваются принципы, нормы и этапы создания корпуса синонимов на узбекском языке. Дана информация об истории изучения корпусной лингвистики в Узбекистане, исследованиях о создании национального корпуса. В ней также подчеркивается важность вопроса о создании корпуса синонимов узбекского языка в контексте глобализации, а также важности корпусной лингвистики для изучения узбекского языка как иностранного языка дистанционно и посредством электронных программ. Исходя из вышесказанного проблема о создании синонимического корпуса современного узбекского языка считается очень актуальной.

В статье анализируется синонимия лексических единиц на примере слова "лицо", и ее интерфейс представлен в качестве примера. Слово "лицо", его антоним, его состав, стиль, структура, выравнивание, значение, этимология, использование и его значение в русском и английском языках. Это, в свою очередь, способствует развитию электронных учебников, электронных словарей для узбекского языка и дальнейшему развитию машинного и автоматического перевода, изучению узбекского языка как иностранного.

Лексикографические источники восьми лингвистических источников на узбекском языке использовались в исследовании для создания корпус синонимов.

Настоящая научная работа станет важным материалом данных для создания национального корпуса узбекского языка. Создание базы данных других языковых явлений и единиц является следующими задачами в изучении проблемы корпусной лингвистики узбекского языка.

**Ключевое слово:** корпус, национальный корпус, синоним корпуса.

## PRINCIPLES OF CREATING SYNONYMIC BASE OF THE NATIONAL CORPORA OF THE UZBEK LANGUAGE

**Eshmuminov Askar Allamurodovich**

Uzbek linguistics department, Termez State University

### ANNOTATION

The given article deals with principles, norms, and stages of building the corpus of synonyms in the Uzbek language. The article also reviews the history of the study of corpus linguistics in Uzbekistan, and offers a literature review of studies on the national corpus. It also emphasizes the importance of a corpus of synonyms for the Uzbek language in the context of globalization, as well as the importance of learning the Uzbek language through electronic programs.

The article analyzes synonyms of lexical units found in corpuses, using the word "face (yuz)" and its interface as an example. The article reviews the parts of speech which characterize the word "face," its homonyms, its antonyms, its composition, formation, register, structure, stylistic variety, meaning, etymology, usage in sentences, Russian and English equivalents. The research contributes to the development of distance learning of Uzbek language as a foreign language, the development of electronic textbooks, electronic dictionaries, and the further development of machine and automatic translation.

Eight linguistic dictionaries and lexicographical sources of Uzbek were used in this study to create the synonym corpus.

The creation of a synonyms database is the beginning of the creation of a national corpus of the Uzbek language. We intend to create further such databases of other language phenomena and units to continue the study of Uzbek-language corpus linguistics.

**Keyword:** corpus, national corpus, synonym corpus.

Ўзбек тили миллий корпусининг синонимик базасини тузишда бошқа тиллардаги миллий корпуслар тузилишига эътибор қаратилмоғи лозим. Бугунги кунда ҳар қандай тилнинг яшаб қолиши учун бу тилга давлат тили мақомининг берилганлиги, бир неча миллион кишининг бу тилда мулоқат

қилиши бу тилнинг яшаб қолишига кафолат бермайди. Ўзбек тили айни вақтда интернет тили бўла олмас экан она тилимизнинг том маънода ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тили даражасига кўтарилмаётгани ва, айниқса, бу борада тегишли илмий-тадқиқот ишларининг олиб

борилмаётганлиги унинг ҳам йўқолиш хавфидан буткул холи эмаслигини, дунё тиллари рўйхатида эса йўқолишдан эҳтиёт қилиш лозим бўлган тиллар қаторида қолиб кетаётганлигини кўрсатади [1]. Глобаллашув асрида тилларнинг яшаб қолиши кўпроқ ахборот-коммуникациялари соҳасида, интернет тизимида қўлланиш даражаси билан боғлиқ. Қайси тил интернет тили эмас экан, бу тилларнинг рўпарасида ўлим хавфи тураверади. Интернет компьютер технологияларига таянади. Компьютер лингвистикаси фанида "компьютернинг тилини таниши" деган тушунча бор. Агар компьютер тилини "танир" экан, тилнинг компьютер тили, интернет тили эканлиги ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади. Бугун биз ўзбек тилининг яшаб қолиши учун курашар эканмиз, аввало бу тилдаги лингвистик дастурлар, хусусан миллий корпус тузиш масаласи кун тартибидеги энг муҳим актуал муаммолардан бири эканлигини барчамиз чуқур ҳис қилмоғимиз керак. Филология фанлари доктори профессор: Б.Менглиев ўз қарашларида шундай дейди "Афески, тилимизнинг ички имкониятлари ахборот технологиялари тизимида етарли даражада ишга солинмаяпти. Юртимизда ўзбек тили корпусларини яратиш ишларини қониқарли деб бўлмайди. Бу она тилимизнинг ахборот технологиялари тили сифатида, шунингдек, миллий корпус шаклида глобал корпуслар тўрига уланиб, жаҳонга чиқишига монелик қиляпти. Бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ўзбек корпус лингвистикасининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, намуна сифатида бир-икки корпус лавҳаси яратиш босқичида турибди, холос. Ўзбекистонда амалий тилшуносликнинг бир йўналиши саналган ўзбек корпус лингвистикасини ривожлантириш, уни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, компьютер ва корпус лингвистикаси маркази ёки лабораториясини ташкил қилиш ҳамда унга мутахассисларни бириктириш орқали амалга ошиши мумкин" [1]. Ҳақиқатдан ҳам ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш бугунги кун учун жуда долзарб, кечиктириб бўлмас вазифа экан. Хўш энди табиий бир савол туғилади. Ўзбек тили синонимлар базаси яратилса у қандай ишлайди? Қайси

бирликлар асосида иш кўради? Нечта қисмдан иборат? Бизга қулайлиги қаерда? Ундан қандай фойдаланиш мумкин? деган саволларга жавоб бериш учун синонимлар базасига маълумотларни қандай жойлаштириш мумкинлигига кетма-кет тўхталиб ўтсак. Биз ўзбек тили синонимлари корпусини қуйидаги мезонлар асосида тузишни таклиф қилмоқчимиз.

Сўз киритилади

Сўз туркуми

Маъноси

Этимологияси

Ясалиши

Тузилиши

Рус тилидаги муқобили

Инглиз тилидаги муқобили

Даражаланиш қатори

Ижобий, салбийлигига кўра

Ишлатилиш миқдорига кўра

Омоними

Пароними

Антоними

Ишлатилиши (мисол)

Демак биз таклиф қилаётган дастур юқоридаги кетма-кетлик асосида маълумотларни бизга тақдим этар экан. Берилган кетма - кетлик асосида энг кўп синоним сўз сифатида таҳлилга олинadиган юз лексемасининг таҳлилини амалга оширамыз.

Юз

Туркуми: от

3. Маъноси: Одам бошининг олд томони, олд томондан кўрининши; бет [4,75-6]

Этимологияси: Соф туркий сўз. Юз бошининг бурун жойлашган олд қисми, "афт" Қадими туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли от дастлаб ю:з тарзида талафуз қилинган кейинроқ ў: унлиснинг чўзиқроқ шакли белгиси, ўзбек тилида юшмоқлик белгиси йўқолган йў:з-йўз-юз [3, 181-бет]

Таркиби: яхлит

Ясалиши: ясалмаган

Тузилиши: содда туб

Рус тилидаги муқобили: лицо

Инглиз тилидаги муқобили: face

Даржаланиш қатори:

а) ижобий салбийлигига кўра:

Турқ-башара-афт-бет-юз-чехра - ҳусн - жамол - дийдор - ораз

-4 -3 -2 -1 0 +1 +2 +3 +4 +5

[2, 22-6]

б) ишлатилиш миқдорига кўра:  
юз-бет-афт-чехра-башара-турқ

12.Омоними: юз (сон, юзта нон)

13. пароними: мавжуд эмас

14. антоними: мавжуд эмас

15. Ишлатилиши: Аҳмад қлиб қўйган  
ишидан кўрқиб, юзи оқарди

Қуйида 1-жадвалда синонимлар  
корпусининг интерфейси билан  
танишишингиз мумкин.

### 1-jadval

Ўзбек тилининг синонимлар корпуси		Даражаланиш катори	Доминантаси
<b>Юз</b>		юз	юз
Туркуми	От	<b>И. Ижобий-салбийлигига кўра: турқ-башара-афт-бет-юз-чехра-жамол-дийдор-узур-рухсор</b>	
Омоними	Юз (сон) М: юз дона олма	<b>ИИ. Ишлатилиш миқдорига кўра: юз-бет-афт-башара – турқ – чехра – жамол – дийдор – ороз –узур – рухсор</b>	
Антоними	Мавжуд эмас	Маъноси	Одам бошининг олд томони, олд томондан кўрининши; бет (ЎТИЛ. 5-том 75-б)
Таркиби	Яхлит	Этимологияси	Эски туркий тилдаги “йўз” сўзининг таркибидаги <<у>> товушининг юмшаши натижасида “юз” шаклига ўзгариб хозирги ҳолатга келган. Соф туркий сўз.
Ясалиши	Ясалмаган	Ишлатилиши:	1. Аҳмад қлиб қўйган ишидан кўрқиб, юзи оқарди
Услуби	Услубий хосланмаган		
Тузилиши	Содда туб сўз		
Рус тилидаги муқобили	Лица		
Инглиз тилидаги муқобили	Face		
Muallif. A. Eshmuminov			

Бугунги кун нуқтаи-назридан келиб чиқиб, ўзбек тили миллий корпуси синонимлар базасини тузишнинг янгича ёндашувини таклиф қилиб унинг жамият учун нечоғлик муҳим эканлигини бугунги кун талабидан келиб чиқиб таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатиш керак. Ўзбек тили миллий корпуси яратилса, тилни компьютер технологиялари ёрдамида ўрганиш таълим олувчи учун бир қанча афзалликларни яратади ва ўзбек тилидаги маълумотларни

сақлаш, қайта ишлаш имконини беради. Шунинг билан бирга дунёнинг барча нуқталаридаги ўзбек тилида мулоқат қилувчи барча инсонлар учун фойдали эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимдир. Ўзбек тили миллий корпусини яратиш йўлидаги бу каби дастлабки ҳаракатларни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Биз ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўзбек тилининг миллий корпусини тузиш кечиктириб бўлмас вазифа деб ҳисоблаймиз.



**Адабиётлар:**

---

1. Менглиев Б. "Глобаллашув: тиллар тараққиёти ва таназзули". "Маърифат" газетаси, 2017 йил, 19 октабр, 76-сон.  
(Mengliev B. "Globallashuv: tillar taraqqiyoti va tanazzuli". "Ma'rifat" gazetasi, 2017 yil, 19 oktabr, 76-son.)
2. Раҳмонов Ф. "Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати PhD диссертацияси". Фарғона-2018, 22-б.  
(Rahmonov G. "O'zbek tilida lug'aviy sinonimiya va graduonimiyaning o'zaro munosabati PhD dissertatsiyasi". Farg'ona-2018, 22-b.)
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 1-жилд Т: "Университет" 2000.  
(Rahmatullaev SH. O'zbek tilining etimologik lug'ati. 1-jild T: "Universitet" 2000)
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилд. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006, 2008.  
(O'zbek tilining izohli lug'ati. Besh jild. -T.: O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi, 2006, 2008.)

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**АВТОКОММУНИКАЦИЯ АКЛАРИДА ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ  
КАТЕГОРИЯСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**Ядгарова Сайёра Абдумуниновна,**

Ўзбекистон Республикаси Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси.  
e-mail: yadgarova0482@mail.ru

**For citation:** Yadgarova Sayyora. Expression of self-evaluation category in autocommunications. International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 5, pp. 34-39



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-5>

*Келиб тушган сана 6 февраль, 2019*

*Эълон қилинган сана 31 март, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Инсон ижтимоийлашиш туфайли мулоқотга асосланган жамиятнинг аъзосига айланади. Нутқий мулоқот шахслар ўртасида ёки шахснинг ўз-ўзига нисбатан амалга оширилади. Ўзбек тилидаги тадқиқотларда кўпинча тил ва нутқнинг ўзаро алоқаси шахслараро мулоқот доирасида ўрганилади, шахснинг ўз-ўзи билан мулоқоти эса тилшунослик диққат назаридан четда қолади. Аммо сўзловчининг ўз-ўзини баҳолаш муносабати унинг ўз-ўзи билан мулоқот қилишида ёрқин тус олади. Эгоцентрик характердаги бундай нутқий актлар антропоцентрик назарияга биноан таҳлил қилинади. Шу сабабдан мақолада сўзловчининг ўз-ўзини номлаш ва баҳолаш ҳаракати прагматингвистик объект сифатида текширилади. Унда автокоммуникация актининг ўз-ўзини баҳолаш муносабатини юзага чиқариши ўзбекча матнлар мисолида таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** антропоцентризм, прагматингвистика, ўз-ўзини номлаш, ўз-ўзини баҳолаш, коммуникация, автокоммуникация, эгоцентризм, сўзловчи "мен"и, мен олмоши.

---

**ВЫРАЖЕНИЕ КАТЕГОРИИ САМООЦЕНКИ В АКТАХ  
АВТОКОММУНИКАЦИИ**

**Ядгарова Сайёра Абдумуниновна,**

Преподавательница кафедры узбекского языкознания в Термезском государственном университете, Узбекистан

**АННОТАЦИЯ**

Человечество становится членом сообщества, основанного на социальной коммуникации. Речь - это общение между людьми или общение человека самим собой. В узбекских исследованиях взаимосвязь между языком и речью часто изучается в контексте межличностного общения, а общение с самим собой не всегда является предметом лингвистического внимания. Однако самооценка говорящего очевидна в его внутреннем диалоге. Такие речевые акты эгоцентрического характера анализируются в соответствии с антропоцентрической теорией. Поэтому в статье

автономинация и самооценка говорящего рассматривается как прагмалингвистический объект. В нем отношении самооценки автокоммуникационного акта проанализирован в случае узбекских текстов.

**Ключевые слова:** антропоцентризм, прагмалингвистика, автономинация, самооценка, коммуникация, автокоммуникация, эгоцентризм, "я" говорящего, местоимение "я".

## EXPRESSION OF SELF-EVALUATION CATEGORY IN AUTOCOMMUNICATIONS

**Yadgarova Sayyora Abdumuminovna,**

Lecturer at the Department of Uzbek Linguistics at Termez State University, Uzbekistan

### ANNOTATION

A human becomes a member of a community based on social communication. Speech is communication between people or communication of a person with oneself. In Uzbek-language studies of the subject, the relationship between language and speech is often studied in the context of interpersonal communication, and communication with oneself is not always the subject of linguistic attention. However, the speaker's sense of self is articulated by his/her internal dialogue. Such egocentric speech acts are analyzed in accordance with anthropocentric theory. Therefore, in the article auto-nomination and sense of self of the speaker are considered as a pragmalinguistic object. In it, the attitude of the auto-communicative act of self-assessment is analyzed in the case of Uzbek texts.

**Keywords:** Anthropocentrism, pragmalinguistics, auto-nomination, self-esteem, communication, auto-communication, egocentrism, the "I" of the speaker, the pronoun "I".

Прагматик тилшуносликнинг асосий хусусияти тил бирликлари ва ундан фойдаланувчи шахс "мен"нинг вазиятга боғлиқ тарзда юзага чиқишида намоён бўлади. Прагмалингвистик тадқиқотлар XXI аср ўзбек тилшунослигида шаклланиб бораётган антропоцентрик парадигмага мансубдир. Антропоцентрик тилшунослик тил бирликларини тадқиқ этишда инсон омилини ҳисобга олади. Н.Маҳмудов бу борада шундай фикр билдиради: "Антропоцентрик парадигма тадқиқотчи диққатининг билиш объектдан субъектига кўчишидир, яъни бунда инсон тилнинг ичида ва тил инсон таркибида ўрганилади".[7, 157] Демак, тилни тадқиқ этишда уни намоён этувчи шахс хусусиятлари муҳим ўрин тутadi.

Аслида тил ҳодисалари ҳар доим инсон омили билан боғлиқ тарзда текширилган, инсоннинг объектив оламга ва жамиятга, жамият аъзоларининг фаолияти ва фикр-мулоҳазаларига муносабат билдириши тилшуносликнинг тадқиқ объекти бўлиб келган. Аммо инсоннинг ички олами, унинг мулоқот мақсадига мувофиқ ҳаракатланиши, ўзининг коммуникатив стратегиясига эгаллиги, ижтимоийлашиш

жараёни нутқий фаолиятнинг қай тарзда кечишига боғлиқ бўлиши каби масалалар антропоцентризмнинг диққат марказида туради. Баъзи олимлар томонидан антропоцентризмнинг субъективлик жиҳатига эътиборга олинади. Бироқ бундай фикр тилга эмас, нутққа нисбатан қўлланилиши тўғридир. Чунки тил белгилар тизими сифатида нарсалар, тушунчалар олами билан боғланади, яъни унда принцип жиҳатдан шахсийлик мавжуд эмас. Нутқ эса доим шахсий (персонал) ва эгоцентрик хусусиятга эга. Тилдаги субъективлашиш нутқни яратади ва нутқий актнинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Нутқий актнинг моҳияти ахборот ва унинг субъекти, нутқ яратувчиси билан муносабатида очилади.

Нутқий мулоқотда инсонни марказга қўйиш ифоданинг субъектив-модал мазмунини юзага чиқарувчи грамматик белгилар ёрдамида ифодаланади. "Тилда бу мазмунни бир қанча ифода воситаси акс эттиради. Булар оҳанг, сўз тартиби, махсус конструкциялар, такрорлар, юкламалар, тақлид сўз ва киришлардир. Бироқ бу қаторда ушбу воситаларни боғловчи, аниқловчи, асосий, марказий восита саналувчи "мен" олмоши саналмаган. Тилда

бу олмош чиндан ҳам субъектив-модал мазмунга эга эмас, бироқ у нутқда ифоданинг семантик ва структур маркази ҳисобланади. Нутқ унинг яратувчисисиз мавжуд бўлмайди, нутқ яратувчиси эса "мен" олмоши ёрдамида ўзини намоён этади. Ҳар қандай нутқ "мен"га асосланади". [9, 177]

Аммо "мен" туфайли нутқнинг персонал (шахсийлик) характери фақат I шахсни билдиради, деб тушуниш тўғри эмас. Фикр ҳар учала шахсда ифода этилиши мумкин. Модаллик тадқиқотчиси Г.Я.Солганик ўзгаларга айтилган фикрларда ҳам сўзловчининг субъектив муносабати акс этишини тўғри тушунтиради. Яъни нутқ субъектининг "мен"и ҳар қандай шароитда фақат унинг ўз қарашлари билан боғланади. Аммо сўзловчи "мен"ининг ифодаланиши ёки унинг ҳис-туйғулари, билиш имкониятлари заҳираси "мен"да акс этишини мулоқотда "мен" олмошининг қўлланилиши билан адаштиришмаслик керак. Биринчи ҳолатда ҳар қандай нутқий фаолиятнинг шахсийлик, субъективлик табиати назарда тутилса, иккинчи ҳолат нутқ эгасининг ўз позициясида туриб фикр ифодалашини билдиради.

Инсон ҳар доим ўзгалар билан суҳбатлашмайди. Унинг ўз-ўзи билан мулоқоти ҳам юз беради. Бундай мулоқот автокоммуникация (автомулоқот ёки сўзловчининг ўз-ўзи билан суҳбати) сифатида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, автокоммуникациядаги барча суҳбатлар фақат нутқ субъектининг ўзига тегишли бўлади ва ўзи томонидан яратилади. Автокоммуникацияда "хаёлий" суҳбатдош ҳам иштирок этиши мумкин. Бунда кишининг тафаккурига синган ўзга ҳақидаги тушунчалар билан унинг ўз тушунчалари тўқнашади, натижада киши ўзга образ билан мулоқотга киришади. Шахс бу ҳолатда ҳам ўз "мен"и хусусиятларини акс эттиради. Бу ҳақда Н.Д.Арутюнова диалоглашган ички нутқнинг қуйидаги турларини фарқлаган: "1) ички адресатга, яъни реал шахсга йўналтирилган одатдаги нутқий фаолият; 2) шахсининг ўз-ўзини психологик икки суҳбатдошга бўлишига асосланган нутқий ақтарлар. Бундай нутқий

ақтарларга буйруқ, ваъда, келишув ва ўз-ўзини баҳолаш (кўпинча салбий маънода) ақтарлари киритилади; 3) олий мавжудотга ёки олий куч эгасига йўналтирилган илтимос, қасам, сифиниш, ёлвориниш мазмунидаги нутқий ақтарлар; 4) диалектик мулоҳаза намоён бўладиган диалогик савол-жавоб тузилишидаги ўз-ўзига гапириш"[1] ақтарлари. Англашилганидек, эгоцентрик ақтарлар адресантнинг ўз "мен"ига мувофиқ автокоммуникатив нутқ майдонининг ҳам маҳсулидир.

Мулоқот объектнинг муҳим, аҳамиятли томонини ифода этувчи баҳолаш ҳаракатида ўз "мен"и орқали баҳоловчи шахсининг назарда тутган объекти баъзан унинг ўзи бўлиши мумкин. Бундай ўринда баҳо категорияси ўз-ўзини баҳолаш категориясига, аниқроғи, лингвистик баҳонинг "субкатегориясига"[2] айланади.

Сўзловчи ўз-ўзини баҳолаш ҳаракатини амалга оширишда шахслараро мулоқотдан ва автокоммуникациядан фойдалана олади. Рус олимаси Е.Кольцова автокоммуникация ақтарини диалог ёки полилог шаклидаги (шахслараро) мулоқот жараёнларига нисбатан кам учрайдиган "мен - мен" каналидаги мураккаб ҳодиса сифатида тушунтиради. Унингча, "бундай мулоқот шакли ўзгалар аралашувисиз амалга ошганлиги туфайли ўз-ўзини баҳолашнинг бирмунча ҳақиқий кўринишини юзага чиқаради" [4, 232]. "Ўз-ўзини баҳолаш мазмунидаги ифодалар фақат шахслараро коммуникацияда эмас, балки автокоммуникацияда, яъни ифода адресанти ва адресати мувофиқлашувида ҳам учрайди. Автокоммуникация ақтарини шахсият типини аниқлашга, ривожланиш динамикасини кузатишга, коммуникант кайфиятини, хатти-ҳаракати ва ахлоқи мотивларини чуқурроқ англашга имкон беради." [4, 228] деб таъкидлайди у. Демак, нутқий фаолият юритувчи шахс ички олами ўз-ўзини баҳолаш муносабати билан янада ёрқинроқ тус олади.

"Автокоммуникация" атамаси Ю.М.Лотман томонидан коммуникатив модел тури сифатида фанга киритилган. У автокоммуникация феномени таркибига ички нутқ (ички монолог ёки ички диалог)ни, ашёвий характердаги шахсий

кундалик матнларини, автобиографияни, ўз шахсий матнини ўқиш кабиларни киритади [5]. Олим назарда тутган ички нутқ ва шахсий кундалик матнлар турли эмоционал-руҳий ҳолатлар, шахснинг феъл-атвори, ёши, жинси, ижтимоий мақоми каби омиллар асосида шаклланади. Автобиографик матнлар эса кўпинча объектив ахборот, шунингдек, объектив баҳо бериш хусусиятига эга бўлади. Уларда субъектив баҳо мазмунининг иштироки камдан кам ҳолатларда юз беради.

Автокоммуникатив нутқ намунаси мемуар асарлар нутқига ҳам хосдир. "Мемуар жанрдаги асарлар таҳлили бу турдаги матнларда қадриятнинг юқори даражасини намоён этади ва бутунича унинг антропоцентрик табиатига мос келади. Замонавий мемуар прозалар учун энг актуал баҳо тури ўз-ўзини баҳолашдир" [8, 71], деб таъкидлайди Т.В.Романова.

Мулоқотда ахборот қайта шаклланади ва янги мазмун касб этади. Субъект ўзи ҳақидаги ахборотни ўзи ҳақидаги баҳога айлантиради. Натижада автокоммуникация адресати (иккинчи "мен") "ўз ички моҳиятини қайта тиклайди" [6, 172], бошқача айтганда, билишнинг ўзгача даражасига (ўта юқори дейиш мумкин) кўтарилади. Бу автокоммуникация асосида ўз-ўзини баҳолашнинг ўта муҳим аҳамият касб этишини билдиради.

Сўзловчи автокоммуникатив нутқда ўз баҳосининг объектив қирраларини очиқ тан олади. Шахслараро коммуникацияда бу субъектив омилларга боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Автокоммуникацияда энг аввало сўзловчининг ўзини номлаши кузатилади. Ушбу ном ички нутқ вазияти бўйича турли шаклда юзага чиқади. Бу ҳақда "ўз-ўзини номлаш актларини ўрганиш сўзловчи индивиднинг умумий характеристикаси тизимини аниқлаш имконини беради" [4, 231], - дейди Е.Кольцова. Албатта, бундай қараш ўз-ўзини номлаш актларининг ўз-ўзини баҳолаш муносабатида вужудга келишини тасдиқлайди.

Сўзловчининг ички нутқи унинг манфаатларига, эҳтиёжларига, обрў эътиборига, жамиятда тутган ўрнига таъсир кўрсатади. Шу тўғрисида автокоммуникатив

нутқ ўз-ўзини баҳолаш муносабати каби объектив/субъектив, ҳақиқат/ёлгон, юқори/паст, ижобий/салбий ёки бетараф мазмунда бўлиши мумкин. Мисолларда бу қуйидагича кўринади:

1. Мен энгдим, Доро қўшинини бир ўзим энгдим!- деди у қичқариб. (М.Осим) 2. Мен эл-юрт учун ўлимнинг ширин шарбатини ичмоққа қарор қилдим. (М.Осим) 3. Мен бу муаммони тезроқ ҳал қилишим керак. (А.Абдуллаев)

Мазкур жумлалар бадиий матн субъектининг автокоммуникатив нутқи сифатида намоён бўлади. Бундай нутқ кўринишлари, асосан, кишилик олмоши "мен"нинг иштирокида юз беради. "Мен" олмоши номинатив функцияни, яъни сўзловчининг ўз-ўзини номлашини юзага чиқаради. Сўзловчи "мен"идаги бу олмош баҳо муносабати шаклланишига ва унинг турли даражалари акс этишига хизмат қилади.

Сўзловчи ўзи ҳақидаги нутқда кўпинча "мен" олмошини қўллайди, яъни ўзини шундай номлайди. Мазкур олмош шахс нутқининг эгоцентрик нуқтаси ҳисобланади. Эгоцентризм "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да "[лот. ego - мен + centrum - марказ, ўрта(лик)] манманлик ва худбинлик (эгоизм)нинг учига чиққан шакли: шахснинг фақат ўз қизиқиш доирасигагина боғланиб қолиши, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмай, фақат ўз фикрлари ва шахсиятини юқори қўйишидан иборат хислати"[10, 21] тарзида изоҳланади. Бу сўз муайян ижтимоий мафкура ёки муайян шахс дунёқараши билан боғлиқ тарзда шу мазмунга эга бўлиши мумкин. Аммо нутқнинг эгоцентрик табиати мулоқот иштирокчиларининг шахсини ёки нутқий актларнинг шахсийлигини, автокоммуникатив хусусиятини ифода этади. Л.А.Киселёва тадқиқотида [3] ҳам эгоцентризм термини сўзловчи шахсига ишора қилиш тарзида изоҳланади.

Умуман, ўзбек тилидаги автокоммуникатив нутқда "мен" олмошидан ташқари сўзловчининг ўз-ўзини атовчи турли номинатив бирликлар иштирок этади. Улар, асосан, отлар ва олмошлар ҳисобланади. 1. "Бўлди, Нодир, бошқа ичма", - дейман ўзимга ўзим (Н.Исмоилов)

2. Агар ор этса Лайли ҳақдидир Қайсининг жунунидин, Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг "Мирзо"си. (Абдулла Қодирий).

Баъзан субъектнинг автокоммуникатив нутқида "сен", "у", "ким", "ўз" олмошлари ҳам иштирок этиши мумкин: 1. Сен тамоман бошқача тушунган бир масала, сенинг ҳаракатинг ва истагинг аксича натижаланиб турса, руҳан эзиласан, виждонан азобланасан. (Абдулла Қодирий). 2. У (Ҳошимжон) албатта келади, қаҳрамонликлар кўрсатиб қайтади. (Х.Тўхтабоев). 3. Ўзим кимман-у, тагин осмондан келаман? (Н.Исмоилов). 4. Топганимга зор эмасмиш. Топмасам, "Нексия"ни ким олади? Ким Нозиманинг ёнига талтайиб машинада боради? Ким қишлоқларнинг оғзини очиб қўяди? (Н.Исмоилов).

Мисоллардан маълум бўладики, ушбу олмошлар айрим эмоционал вазиятларда, руҳий зарба ва тушқунлик ҳолатларида субъектнинг номи бўлиб кела олади.

Автокоммуникацияда ўз-ўзини баҳолашнинг субъективлик белгилари акс этса, ўз-ўзини номлашнинг объективлик жиҳатларини кўриш мумкин. Яъни "Ўз-ўзини баҳолаш акти учун шахс ижтимоий мақомига яширинлик, экспрессивлик, белгиланганлик жиҳатларини ифодаловчи билвосита номинация хосдир. Бунда номловчининг ўзини қандай аташи эмас, балки унинг тавсифланиши муҳим ҳисобланади" [4, 232].

Вой, ўлмасам! Яна ўша шум хаёлга боряпманми? Кимсаним, жон болам,

кечир, гуноҳкор онангни! Биламан, Худо кўрсатмасин, шаҳид кетган бўлсанг, арвоҳинг чирқиллайди. Тирик бўлсанг, эртага келиб ёқамдан оласан. "Нима қилиб қўйдинг, шум кампир, сенам онамисан, имонсиз", дейсан! Нима десанг ҳаққинг бор. Қайси она ўз юрагини сугуриб тупроққа ташлайди? Қайси она ўз боласига ўзи хиёнат қилади? (Ў.Ҳошимов).

Ушбу ҳолатда, кўриниб турганидек, онанинг ўғлига мурожаати автокоммуникатив нутқ сифатида юзага чиқмоқда. Бедарак кетган ўғилнинг онага бераётган баҳоси имплицит тарзда онанинг ўзигагина тегишлидир.

Ўзбек тилида мулоқотнинг ушбу шакли тадқиқ этилмаган. Бироқ бу ҳодисага кундалик мулоқотда, бадий матнда тез-тез дуч келиш мумкин. У муайян ифода усулларига, контекстуал мазмунга, модаллик билан боғлиқ хусусиятларга эга. Шахснинг автокоммуникатив нутқи алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Шахс нутқи қайси шаклда бўлмасин, ҳар қандай мулоқот momentiда баҳо муносабатининг мавжуд бўлишини инкор этиб бўлмайди. Баҳо муносабати жуда кенг тушунча бўлиб, ифоданинг ҳам дескриптив, ҳам прагматик маъноларида воқеланади. У тилда мавжуд ахборотни нутққа чиқариш туфайли шаклланади. Нутқий актларнинг субъективлиги ва вазиятлиги баҳонинг юз бериш частотасини тезлаштиради. Ўз-ўзини баҳолаш категорияси мутлақ субъектив ҳодиса сифатида ўзбек дискурси прагматик аспектнинг объекти ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Известия АН СССР. Серия литературы и языка. Т.40. №4. 1981. (Arutyunova N.D. Addressee's factor// Izvestiya AN SSSR. A series of literature and language. Т.40. №4. 1981.)
2. Баландина Т.Н. Категория самооценки и ее соотносительность с категорией рефлексивности: На материале английского языка. Автореф...дисс.канд.филол.наук. Санкт-Петербург. 2003. <http://www.dissercat.com/content/kategoriya-samoostenki-i-ee-sootnesennost-s-kategoriei-refleksivnosti-na-materiale-angliisko#ixzz5C6T8JGgJ>. (Balandina T.N. The category of self-esteem and its correlation with the category of reflexivity: On the material of the English language. Abstract of diss. Sankt-Peterburg. 2003. <http://www.dissercat.com/content/kategoriya-samoostenki-i-ee-sootnesennost-s-kategoriei-refleksivnosti-na-materiale-angliisko#ixzz5C6T8JGgJ>)
3. Киселёва Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. Л., Изд. Ленинградского университета, 1978. (Kiseleva L.A. Questions theory of speech exposure. L., Ed. Leningrad University, 1978)

4. Кольцова Е. Номинации самооценки в акте автокоммуникации: гендерный аспект (на материале англоязычных художественных произведений) // Психолингвистика: [сб. науч. трудов ГВУЗ "Переяслав-Хмельницкий государственный педагогический университет имени Григория Сковороды"]. - Переяслав-Хмельницкий: ФЛП Лукашевич А.М., 2014. - Вып. 15. - 326 с. (Koltsova E. Nomination of self-assessment in the act of auto-communication: gender aspect (on the material of English-language works of art) // Psycholinguistics: [col. scientific works of State Higher Educational Institution "Pereyaslav-Khmel'nitsky State Pedagogical University named after Gregory Skovoroda"]. - Pereyaslav-Khmel'nitsky: FLP Lukashovich A.M., 2014. - Vol.15. - P. 326)
5. Лотман Ю.М. "О двух моделях коммуникации в системе культуры". Уфа. 1973. [gtmarket.ru/concepts/7173](http://gtmarket.ru/concepts/7173). (Lotman Yu.M. "On two models of communication in the system of culture". Ufa. 1973. [gtmarket.ru/concepts/7173](http://gtmarket.ru/concepts/7173).)
6. Лотман Ю.М. Автокоммуникация: "Я" и "Другой" как адресаты (О двух моделях коммуникации в системе культуры) // Лотман Ю.М. Семiosфера. - С.-Петербург: Искусство - СПб, 2000. (Lotman Yu.M. Autocommunication: "I" and "Other" as addressees (On two models of communication in the system of culture) // Lotman Yu.M. Semii sphere. - St. Petersburg: Art - SPB, 2000.)
7. Махмудов Н. Ўзбек тилшунослигининг бугунги муаммолари // Профессор Карим Назаров хотирасига бағишланган "Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари" мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси. - Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. (Makhmudov N. Actual problems of Uzbek linguistics // Republican scientific-theoretical conference "Uzbek linguistics: development and prospects", dedicated to the memory of Professor Karim Nazarov. - Tashkent: Words, 2016.)
8. Романова Т.В. Модальность. Оценка. Эмоциональность. Нижний Новгород. 2008. (Romanova T.V. Modality. Evaluation. Emotionality. Nizhny Novgorod. 2008.)
9. Солганик Г.Я. К проблеме модальности текста // Русский язык: функционирование грамматических категорий. Текст и контекст. М.: Наука. 1984. (Solganik G.Ya. To the problem of text modality // Russian: the functioning of grammatical categories. Text and context. M.: Science. 1984.)
10. ЎТИЛ. Тошкент: ЎзДЭ нашриёти, 5-жилд, 1996-1998. (Explained dictionary of the Uzbek language. Tashkent: Publishing House UzSE, Volume 5, 1996-1998.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

МУСТАҚИЛ ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТИ ТАРИХИДАГИ ВОРИС ШАХС:  
ШАҲИД-ШОИР УЛВИЙ БУНЁДЗОДА

**Олмос УЛВИЙ Қосим қизи (Бинпатов)**

филология фанлари доктори, профессор

Озарбайжон Фанлар академияси, Низомий номидаги Адабиёт институти

"Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон шўъбасининг мудири,

Халқаро Бобур фонднинг Бокудаги бўлими раиси

almazulvi1960@mail.ru

**For citation:** Olmos Ulvi. Heir personality in the history of independent Azerbaijan: martyr - poet Ulvi Buniyadzade. International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 6, pp. 40-46



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-6>

*Келиб тушган сана 5 октябрь, 2019*

*Эълон қилинган сана 31 март, 2019*

АННОТАЦИЯ

2018 йил 28 майда Озарбайжон Халқ Жумҳурияти ташкил топганига 100 йил тўлди. Бу давр кўплаб инсонларнинг хусусий роли, курашлари, мақсад-гоялари ҳақидаги хотиралар сақланиб қолди, улардан кимдир гоъий, кимдир шаҳид бўлди. Аммо Миллий курашчилар мақсадларига эришдилар - кимнинг дуқиллаб ураётган юраклари севинди, бошқа бирларининг эса руҳлари.

Улвий Бунёдзоданинг умри 1918-1920 йилларда майдонга келган Озарбайжон Демократик Республикаси (АДР) билан ҳозирги мустақил Озарбайжон Республикамиз орасида ворис мубориз, ворис муҳоҷид, ворис тарихий шахсиятдир!

Озарбайжон Миллий Мустақиллиги, Миллий Мужодаласи йўлида ҳам маънавий дунёси билан, ҳам жисмоний умри билан номини абадиятга ёзиб қолдирган бир исм бор, бу миллионлар қалбидан ўрин олган шаҳид-шоир Улвий Юсуф ўғли Бунёдзодалар.

Улвий Бунёдзоданинг илк ижодий фаолияти поэзия олами билан алоқадор бўлган. У болалик чоғларидан бу санъат дунёсига ўз туйғуси, ҳиссиётлари, кечинмалари билан кучли майл кўрсатди ва ўшандан то умрининг сўнгига қадар ҳаётий мушоҳадалари, тушунчалари билан бунга яна ҳам маҳкамроқ боғланди. Улвийнинг шеърляти, жамики ёзганлари унинг характери билан ваҳдат(бирлик) ҳосил қилади, бу - ватанга, она тупроққа, эл-юртга муҳаббат ҳисси билан чамбарчасдир. Улвий адабий ижод устида жиддий ишларди. Ўша баракали ва мунтазам меҳнат, ижод ва яратувчилик билан ўтган йилларнинг меваси ўлароқ бугун қўлимизда унинг бой, рангоранг адабий мероси мавжуд. Улвий асарларидаги энг асосий чизиқ - ватан муқаддаслиги, озодлик туйғуси ва ғайратли ватандош ўғил образининг тараннуми асосий мавқе эгаллайди.

Яшаш учун тугилгандик,

Ватан учун ўлажамкиз!

Озодлик ишқ-ла шеърлар яратган, Ватаннинг қақриғи билан шаҳид бўлган Улвий Бунёдзода бор-йўғи 20 йиллик умр йўли билан Озарбайжон Давлатчилиги тарихида, Озарбайжон адабий-маданий ҳаётида ўчмас из қолдирди. Ушбу мақолада Улвий Юсуф ўғли Бунёдзода ҳақида фикр юритмоқчимиз.



**Таянч сўзлар:** шаҳид, шоир, поэзия, поема, пьеса, насл, озарбайжон адабиёти, мустақиллик даври, миллий кураш, ворис.

---

## **ШЕХИД-ПОЭТ УЛЬВИ БУНЬЯДЗАДЕ – НАСЛЕДНИК-ЛИЧНОСТЬ В ИСТОРИИ НЕЗАВИСИМОГО АЗЕРБАЙДЖАНСКОГО ГОСУДАРСТВА**

**Олмос Улвий Касим кизи (Биннатова)**

Доктор филологических наук, профессор, институт литература им. Низами

### **АННОТАЦИЯ**

---

28 мая 2018 года отмечалась 100-летья годовщина провозглашения создания первой парламентской республики мусульманском Востоке – Азербайджанской Демократической Республики. Многие личности сыграли особую роль, оставили глубокий след в истории этой 100-летней республики. Кто-то стал шехидом на этом святом пути, а кто-то победителем. Но народные борцы за свободу добились своей цели.

Ульви Буньядзаде – историческая личность, наследник и борец за свободу жившей в период между АДР, созданной в 1918-1920 гг. и нашей независимой Азербайджанской Республикой!

Ульви Юсуф оглы Буньядзаде – поэт-шехид, навеки вписавший свое имя в сердца миллионов людей.

В начале своего творческого пути Ульви Буньядзаде занимался поэзией. Он увлекался поэзией с детских лет и со временем еще больше занялся поэтическим творчеством. Все стихи и сочинения Ульви сочетаются с его характером и тесно связаны с его любовью к родине, родной земле, родному народу. Ульви серьезно занимался литературным творчеством. Результатом этих лет является его богатое, красочное и оригинальное литературное наследие. Главной темой произведений Ульви является священная тема Родины, свободы и воспевание образа сына-гражданина.

Мы рождены для жизни,

Умрем за Родину!

Ульви Буньядзаде, имевшему достойное место в истории Азербайджанской Демократической Республики, которой исполнилось 100 лет, в 2019 году исполнилось бы 110 лет. Ульви Буньядзаде, сочинивший свободолюбивые стихи и в 20 лет отдавший свою жизнь за родину, оставил неизгладимый след в литературно-культурной жизни Азербайджана и в истории Азербайджанской государственности. В статье освещается творческий путь поэта-гражданина Ульви Буньядзаде.

**Ключевые слова:** шехид-поэт, поэзия, стихи, пьесы, проза, Азербайджанская литература, период независимости, национальная борьба, наследник моджахеда.

---

## **HEIR PERSONALITY IN THE HISTORY OF INDEPENDENT AZERBAIJAN: MARTYR – POET ULVI BUNYADZADE**

**Olmos Ulvi Qasim kizi (Binnatova)**

Professor, Scientific Academy of Azerbaijan

### **ANNOTATION**

---

28 May 2018 marked the 100th anniversary of the foundation of Azerbaijan's Parliamentary Republic – the first parliamentarian republic in the Muslim East. Memories abound of the heroes in the struggle for Azerbaijani independence – memories of the special roles and struggles of the many personalities in its history. Some of these people became veterans, some became martyrs in this sacred fight. But these freedom fighters achieved their aims – the hearts of some beat with pride, while the spirits of others live on.

The life of Ulvi Bunyadzade has been an exceptional one in the one hundred years between the establishment of the Azerbaijani Democratic Republic and the current independent Republic of Azerbaijan.

Ulvi Bunyadzade is also known to Azerbaijanis as a poet whose work has touched their lives.

His work harbors the feelings of love for the Motherland and his people. The most important messages in Ulvi's works are the sacredness of land and the feeling of freedom.

We were born for life,

We must die for Motherland!


Ulvi Bunyadzade, martyred at the age of 20 years, left an indelible legacy in the history of Azerbaijan State and Azerbaijan cultural literary life.

**Key words:** martyr, poet, poem, poema, pyesler, prose, Azerbaijani literature, independence period, national struggle.

"Мен, Бунёдзода Улвий Юсуф ўғли, ҳаётимда биринчи ва охирги дафъа ўз виждоним қаршисида онт ичаман: бир элнинг, бир миллат номининг тамсилчиси эканимни ҳеч қачон унутмайман; Озарбайжон тупроғининг гурурдан, гайратдан йўғрилган номини муқаддас тутганча, бу номга доғ туширмоқни истаган бутун унсурларга қарши туражакман; ўз озарбайжонлик борлигимга, виждонимга, маслагимга, насл-насабимга, томирларимда оқаётган Озарбайжон қонига лойиқ ўғил бўлиб қоламан, қўрқоқликни, олчоқликни, ялтоқликни ўзимга яқин йўлатмаяжакман, ҳар қандай ҳолда ҳам, ўз озарбайжонлик "мен"имни тасдиқ этаман.

Агар ваъдамга хилоф иш тўтсам, майли, онамнинг сути, элимнинг нони менга ҳаром бўлсин, Ватан юзини кўрмайин.

Имза:



Б. УЛВИЙ. 10. IX.89

Улвий Бунёдзода ўлимидан 4 ой аввал ёзган бу "онт"и озар халқининг миллий озодлик курашида буюк бир гимн кабидир. Унинг қандай туйғулар оғушида яшаганлиги юқоридаги муҳташам "онт"дан маълумдир. Ҳа, унинг айтганлари каби яшай олмоқ амалда ҳар ўғилга ҳам насиб этмас!

Улвий Бунёдзода жами 20 йил умр кўрди. У ўзи тугилиб ўсган халқининг озодлик учун кураши йўлида эгилмас байроқ бўлди, қаҳрамонлик тимсоли бўлди.

У миллий кураш йўлида шаҳид бўлди, ammo шоир ўлароқ қайта туғилди. Унинг аввалбошда ҳаммадан бекитганлари - қоралама шеърлари, ҳикоялари, мактублари, инглизчадан таржималари ва бошқа қўлёзмалари - бутун адабий мероси ўлимидан кейин кенг китобхонлар аудиториясига ошкор бўлди. Улвий ҳали ҳаётлигида, 10-15 шеър ва 2-3 ҳикояси, 3-4 публицистик мақоласи, 2-3 адабий-танқидий қарашлари ва бир неса ахборот-

маълумот мазмунидаги мақолалари чоп этилган эди.

Улвийнинг "Умр йўли" поэмасида ёзганлари:

**Қорабодир маним диним - имоним,  
У тупроқдан нишонаси, изиман.**

**Мани бундоқ оғиз кўрма қабрда,  
Қабрда ҳам Қорабоднинг ўзиман.**

Ватан, тупроқ исила йўғрилган мисраларнинг ишқи инсонда ўлимсизлик ишқини уйғотади. Бу сатрлар ортидан худди шунга ўхшаш бошқа бир шеърини хотирламаслик мумкин эмас:

**Мен кўрқмасман узоқ йўлга чиқмоқдан,  
Бу йўлнинг зулматидан, совуғидан  
кўрқмасман.**

**Мен кўрқмайман узоқ йўлга чиқмоқдан,  
Бу йўлнинг машаққатидан, оғриғидан,  
"Улим" отли уйқусидан кўрқмасман.**

Бу шеър 1989 йилда ҳарбий хизматда бўлиб турган ери - узоқ, совуқ Сибирда, "Хатоний" деб аталувчи тўғарак яратган ўлкада ёзган. Озарбайжон миллий-озодлик кураши тарихида Улвийнинг туйғулари, тушунчалари, қатъияти, Шаҳид номи билан ўз ўрнига эга. Ўзи ҳам энг юқорида, энг Буюк нуқтада! 1969 йилда кўз очган отабоболари макони - Гўйжа вилояти, Касама кенти душман талон-тарожида қолганда чидамади. Юраги қон йиғлади. Қорабоғ чўғ-учқунлари анҳорларда шиддат қонди. Бир вақтлар совет ҳарбий қўшинларининг Афғонистон тупроғига тажовузини, бизнинг ўша муҳорабага юборилган ўғилларимизнинг бахтсиз қисматларини кўз ўнгига келтирди. Тўпхона ўрмонининг дарахтлари майда-майда бўлакланганда, Афғонистон тоғларининг акс-садоси юрагига тўлди: "Умр йўли" поэмасини ёзди, ҳар сатр устида титраб ёзди:

**Йўқ, йўқ, буюк тупроқ,  
Сенинг зафаринг учун ҳамиша,  
Ҳар ерда мард бўлажакмиз.**

Мусофир бир руҳнинг саси узоқ Сибирда "лирик мен"нинг чақириқларига уланиб кетди:

**Омон, қардош, тўғримикан? Айтарлар:  
Кеча-кундуз қон тўкилар Юртимда.  
Қорабоғнинг тарихини тапирлар  
Масжид учар, том бузилар юртимда.**

Улвийнинг Ватан туйғуси ила тўлиқ, юрт муҳаббати ила сугорилган мисралари бисёр. Унинг шеърлари, хусусан, "Қонсизлар" повести, ҳикоялари, таржималарини ўқиганда, кўз ўнгимизда пўлатдан яралган метин қарашли бир аскар ростланади. Жиддиятида, кучли иродасида, қатъиятида, жасоратида минг йилнинг туғма қобилиятли кишиларига ўхшайди.

Улвийнинг чечак янглиғ нозик қалби, шабнам каби покиза севги ҳиссиётлари бор эди. Гўзалларга бегона бўлмаган қайноқ боқишлари бор эди. Сен айтмаки, ишқ гирдобида беҳол, типирчилаб қолган юраги бор деб:

**Бир қиз кўрдим - ўт боқишли,  
Ўрта бўйли, узун сочли.  
Менга боқиб кулди, қонди -  
Бундоқ кулгу кўрмагандим.**

Боқишлари ёш шоирнинг қалбини титратган у бахтиёр қиз энди нетар, кўрасан? Йўқса, умрининг карвонини тузмаган ўшал севики маҳбубага ўз алвидосини айтarmiди?

**Бу ерларда баҳор чоғи кезардик,  
Чаманзордан сенга гуллар сочардик.  
Ҳовуч-ҳовуч бир чашма сув ичардик,  
Оппоқ сувда оққан музлар, алвидо!**

Гулнинг назокати янглиғ тебранган шудрингдек тоза мисралари ҳар кишининг юрагида ҳеч қутилмаганда севги ҳисларини уйғотади. Қаранг, ўша онларда Улвий шунчалар комрон бўлади:

**Титраган дудоғинг шеър истайир,  
Боқиб таманнойингга ой ҳасад қилар.  
Ёнар юрагингда бўйла бир олов,  
Бу ўтга, оловга ёй ҳасад қилар.**

"Сендан айрилмоқ бўлмас, Улвий, сенга тўйиб бўлмас. Не яхшисанки, дунёмизда мавжудсан, айна дамда ҳам борсан, сабоҳ ҳам борсан. Ишон, сен бунга, Улвий. Чунки келажак авлод сени ўқийди, Сендан намуна келтирадилар. Сен Озарбайжон Озодлиги йўлида умрингни, тупроғини қизил қонинг-ла бўядинг. Қизил қонинг ила шундай бўядингки, келажак насллар озодлик бахтиёрликда яшасин. Қара, ҳеч бўлмаса ўша хушбахтликлари учун Оналар

сени севажаклар, Улвий. Тўққизинчи синфда ўқиётганингда "Бинафша баётлари" номли шеър ёзган экансан-эй! Ўша шеъринг менга жудаям хуш келарди. Маскув шеър ўзинга ҳам ёқарди:

**Баҳор қандай тотли эмиш,  
Атри бинафшадаймиш.  
Умрим сенинг ишқингдир,  
Ишқинг ҳам бинафшаймиш.**

Улвий Бунёдзода Бокуда Шаҳидлар хиёбонида (40-қабр) дафн қилинган. У ҳаётини Озарбайжон халқининг, Озарбайжон тупроғининг озодлиги йўлида қурбон қилди.

Ижодий уфқлари: Улвий Бунёдзоданинг илк ижодий фаолияти поэзия олами билан алоқадор бўлган. У болалик чоғларидан бу санъат дунёсига ўз туйғуси, ҳиссиётлари, кечинмалари билан кучли майл кўрсатди ва ўшандан то умрининг сўнгига қадар ҳаётий мушоҳадалари, тушунчалари билан бунга яна ҳам маҳкамроқ боғланди. Улвийнинг жамаки шеърлари, ёзганлари унинг характери билан ваҳдат (бирлик) ҳосил қилади, бу - ватанга, она тупроққа, эл-юртга муҳаббат ҳисси билан чамбарчасдир. Улвий адабий ижод устида жиддий ишларди. Ўша баракали ва мунтазам меҳнат, ижод ва яратувчилик билан ўтган йилларнинг меваси ўлароқ бугун қўлимизда унинг бой, ранго-ранг ва оригинал адабий мероси бебаҳо маънавий мулк бўлиб қолди. Улвийнинг асарларидаги энг асосий чизик - ватан муқаддаслиги, озодлик туйғуси ва гайратли ватандош ўғил образининг тараннуми асосий мавқе эгаллайди.

**Яшаш учун туғилгандик,  
Ватан учун ўлажакмиз!**

Шоир қалбида чўғланган Миллий озодлик ишқининг муқаддас йўлида курашиш билан машъалага дўнажагига ишонади. Бу, 70 йил давомида босиб келганмиз "текисланган йўл", йўқ, миллий ўзлигини таниган, ватан шарафини юксалтирган йўл, шунчаки йўлакча эмас.

**Яшаш учун туғилгандик,  
Ватан учун ўлажакмиз!**

Ҳозир билан яшаган шоир 15 ёшида Ватанга юз тутуб:

**Сен менинг йўлимда бир машъал каби,  
Ёнарсан, мени ҳам ёндирмоқ учун.  
Титроқ қалбимда ётган овозни, -**

мисраларини ёзса-да, мубораза йўлини танлади. Бу Улвийнинг миллий ватандошлик мавқеини, қатъиятини тақозо этарди. "Қошғар" адабий уюшмасининг раиси, шоир Намозали Пашаев 1987 йилда Улвийнинг олий мактабга кириши муносабати ила "Daşkəson" газетасида нашр эттирган "Улвий" мақоласида куйидагиларни ёзганди: "Улвийни анча олдинроқдан танийман. Тез-тез район газетасида мақоласини ўқир эканман, англардимки, у гоят истеъдодли ўғлон. Яхши эсимда бор, "Қошғар" адабий уюшмасининг навбатдаги машғулотларидан бирида бир мактаб ўқувчиси чиқиш қилди. Ўша ондаёқ савияси пишиқ шеърларнинг муаллифи маълум бўлди - бу ўша Улвий Бунёдзода имзоси билан ижод қилаётган шоир экан. Тўғарақда Улвий ўзининг таҳлил ва муҳокама қабилити билан бошқалардан яққол фарқланди. Ўша вақтлардан бошлаб у билан дўстлашдик. Редакцияга бирга келиб-кетдик, топшириқлар олдик. Газетанинг навбатдаги сонларидан бирида унинг ёзганларини ўқигач, билдимки, бугун мактаб ёшида бўлган Улвий эртага ўзининг ойдин йўлини тўғри танлай олади. У ҳамиша келажакда таржимон бўлишни орзу этарди. Ўша ёруғ орзуларнинг таъсири бўлса керак, инглиз тилидан кичик ҳикоялар, юморлар таржима қилиб, чоп эттира бошлаганди. Улвий инглиз дили дарсларига алоҳида меҳр қўйган, машғулотларга мунтазам қатнар, умуман олганда, тил ўрганишга айрича бир ҳаваси бор эди".

**ЮРИДИЧЕСКИЙ ДЕТЕКТИВ В АМЕРИКАНСКОЙ ПРОЗЕ И РОЛЬ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ДЖОНА ГРИШЕМА В НЁМ**

**Ниязов Равшан Туракулович,**  
докторант (PhD) 2го курса Узбекского университета мировых языков

**АННОТАЦИЯ**

---

Данная статья рассматривает судебные процессы и их художественное своеобразие в работах американского писателя Джона Гришэма. Его произведения, затрагивая актуальные для современной американской действительности сложные социальные проблемы (расовые

отношения, смертная казнь, коррупция), а также детальное описание проблем и неудач в действиях судопроизводства, юридической и государственной системе Литературоведы и литературные критики отмечают значительный вклад в развитие этого направления в американской детективной прозе. Отмечая, что в основе сюжета, юридического триллера как в любом типе детективного повествования лежит преступление, его расследование и раскрытие, исследователи, подчеркивая значимость фигуры сыщика для развития детективного сюжета, определяют, что название данного типа детектива, непосредственно связано с профессиональной деятельностью его главного персонажа - юриста, использующего доступные ему средства достижения справедливости. Соответственно, основными действующими лицами романов Джона Гришэма оказываются следователи, судьи, адвокаты, а целью - раскрытие того, как действует юридическая система, как вершится правосудие. Художественное пространство, в котором происходит развитие сюжетов юридических триллеров Джона Гришэма, предстает как поле деятельности огромных, могущественных социальных структур, из которых полностью выхолено человеческое содержание. Для того чтобы обнажить бесчеловечность законов, регулирующих их деятельность, в основе большинства его произведений лежит поединок главных персонажей со сложной системой социальных структур отправления правосудия.

**Ключевые слова:** юридический детектив, судебные процессы, роман, социо-политические проблемы, детектив, психологические и философские взгляды, литературный анализ, литературный персонаж.

## THE LEGAL DETECTIVE IN THE AMERICAN PROSE AND THE ROLE OF JOHN GRISHAM'S WORKS IN IT

**Niyazov Ravshan Turakulovich,**

Doctoral student (PhD) of the 2nd course of Uzbekistan University of World Languages

### ANNOTATION

The article discusses the courtroom cases and their artistic originality in contemporary American writer John Grisham's works. His works concern the complex social problems that are relevant to contemporary American reality (race relations, the death penalty, corruption), and they offer detailed descriptions of the problems and shortcomings in the actions of the judiciary, the legal system, and the state. Literary critics have noted Grisham's significant contribution to the development of this trend in American detective prose. Noting that the plot of his legal thrillers, as in any type of detective narrative, is center around a crime, its investigation, and disclosure, scholars, emphasizing the importance of the figure of the detective for the development of a detective plot, determine the name of this type of detective story-legal thriller-proceeds directly from the central place of lawyer means of attaining justice available to him. Accordingly, the main actors in the novels of John Grisham are investigators, judges, lawyers, and the goal is to reveal how the legal system works and how justice is done. The artistic space in which the development of legal thrillers by John Grisham takes place appears as a field of activity for large, powerful social structures from which human content has been completely stripped. In order to expose the inhumanity of the laws governing their activities, most of his works are based on the duel between the main characters and a complex system of social structures for the administration of justice.

**Key words:** legal detective, courtroom cases, comparison, novel, political and social problems, detective, psychological and philosophical attitudes, literary analysis, literary character.

Жаҳон адабиётшунослигидаги ўзгаришлар юридик детектив асарларнинг гоёвий мазмуни ва мавзу қаровини кенгайтириш баробарида ёзувчи адибларнинг жиноят ва тергов жараёнларини ифодалашдаги индивидуал услубидаги ранг-барангликни юзага келтирмоқда. Бу эса инсон руҳияти ва маънавий оламини турли ракурсларда

таъсирчан ва ишонарли таҳлил этишга имкон берувчи янгича бадий маҳоратнинг кенгайишига имкон яратди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда жаҳон адабиётшунослигида юридик детектив асарнинг бадий хусусиятларини очиб бериш, унинг илмий-амалий моҳиятини таҳлил этиш мақсадида унинг устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб

борилмоқда. Талқикот натижаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юридик детектив асарнинг ривожланиш формуласи турли хил жузвий ўзгаришларни қўллаш натижасида содир бўлади, қотилликнинг янгидан янги усуллари ёки жиноятчининг ниқобланиш маҳорати жиноятни очишда аналитик-изқувар қўллаган воситалар билан китобхонни таништириш устувор аҳамият касб этади.

Юридик детектив асарнинг ўзига хослиги шундаки, унда адолат қарор топишида детектив образи гавдалантирилади. У жиноятни ўрганиш жараёнида фақат ўзининг аналитик қобилиятига эмас, балки касбий фаолиятни тартибга солувчи қонун ва қонунчилик ҳужжатларига ва ҳуқуқшунос касбий этикасига суянади. Шунингдек, юридик детектив асарнинг пайдо бўлиши ва унинг бош қаҳрамони сифатида айнан юрист образи гавдалантирилиши америка детектив адабиёти орқали давлатнинг ҳуқуқий тизимини баҳолаш, ижтимоий-тарихий сабабларни аниқлашга, фуқороларнинг ҳуқуқий онгини янада юксалтиришга бўлган эҳтиёж туфайли амалга ошганлигини ҳам кузатиш мумкин. 1990-йилларга келиб америкаликларнинг суд, жиноятчи, юрист, судьяларга бўлган катта эътибори бу халқ маданиятининг ажралмас қисмига айланган эди. Чунки давлат конституциясида фуқароларга жуда катта ҳуқуқлар берилган.

Америкаликлар бир нарсага яъни "Агар кимдир бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига раҳна солса, албатта уни жазо кутишига қатъий ишонадилар (чунки бундай инсонга нисбатан қонуний жавобгарлик қўлланилади)" [2; Б. 3-12]. Улар эркин фуқаро сифатида ҳуқуқ ва эркинликлари доимо қонун билан ҳимояланганлигини яхши англаганлар, шу сабабли юрист тимсолига - фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячиси, ижтимоий тартибнинг қафолатчиси сифатида қарайдилар. Жон Гришэм айти шундай мазмун-моҳият касб этган асарлар ижодкори ҳисобланади.

Жон Гришэм Миссисипи университетини тамомлаб, ҳуқуқшунос даражасини олган ва 1991 йилгача Жанубий

Ҳавен (Миссисипи) шаҳрида адвокат бўлиб ишлаган. Унинг илк "Қотиллик вақти" (Time to Kill) романи 1989 йилда нашр этилиб, кейинги асарлари бирин кетин дунё юзини кўрган. Масалан, Фирма (The Firm, 1991), Пеликанлар иши (The Pelican Brief, 1992), Мижоз (The Client, 1993) ва бошқалар шулар жумласидандир [2; Б. 3-12]. Ушбу китоблар дунёдаги энг кўп сотилган асарлар саналади. Шу боисдан бўлса керак, Жон Гришэм юристлик фаолиятини тўхтатиб ва умрини ёзувчиликка бағишлаган. Агар ўша вақтнинг "қаттиқ таъсир қиладиган" детектив романларининг бош қаҳрамони хусусий терговчи, полиция шунга бағишланган детективнинг бош қаҳрамони - полиция инспектори, юридик триллер бош қаҳрамони эса юрист ҳисобланган.

Юридик триллерда, инсон рўҳиятига "жиддий таъсир қиладиган" детективдан фарқи ўлароқ, ёзувчи ва ўқувчи асосан жиноятчини аниқлаш ва жиноят юз бериш ҳолатларига алоҳида аҳамият берилади. Бунда ёзувчининг мақсади - жамиятда ҳуқуқий тизим қандай ишлаётганлигини, адолатни тиклаш қандай бораётганини тушунтиришдан иборат бўлади. Масалан, "Қайноқ сюжетли" романдаги қаҳрамон иккиламчи оппозицияга эга яъни бир томондан бу инсон ўзининг адолат ҳақидаги фикрига ва бошқа томондан бу инсон ижтимоий-коммуникатив ҳамжамиятига эга, бўлган инсон қиёфасида гавдаланади. Бунда асар қаҳрамони очкўз ва аҳлоқсиз корпорациялар, суғурта компаниялари, банклар, кўп миллатли компаниялар билан кураш олиб боради. Асарда бу даҳшатли кучлар кўпинча "тизим" сўзи билан ифодаланади ва ушбу тизим давлат муассасалари ва корпоратив менталитет ҳолатини акс эттириди ҳамда қаҳрамон бундай тизим тажовузларидан ўзини ҳимоя қилишга интилади. "Бу тизим ҳар доим ҳам адолатли эмас, лекин Нью-Йорк, Массачусетс ёки Калифорнияда бўлгани каби адолатли" [2; Б. 3-12] кўриниш касб этиши мумкин. "Эндиликда тизимда бир нечта муваффақиятсизлик юз берди. Энг ёмони, тизим энди уни қамоқхонага олиб кетиш, уни йўқ қилиш, унинг болаларини етим қилишга ҳаракат қилиши мумкин" [6;

139 б]. "Бу тизимга бўйсунмаган ҳар бир ўн бир ёшли болани жойлаштириб қўйиш мумкин бўлган турли жазолаш масканлари мавжуд. Ҳозирги вақтда, унинг камида йигирма нафар мижози Теннессе штатининг турли ҳудудларида истиқомат қилади. Энг каттаси ўн олти ёш. Ҳар бир инсон баланд девор орқасида ва ҳимоя остида яшамоқда. Илгари, бундай муассасалар "Меҳнат колониялари" дейилган бўлса, ҳозирги кунда - таълим муассасалари деб аталади. "Бутун шовқин-сурон пайтида Марк ҳатто ҳаракат ҳам қилмади. Регги жараёнда ютдими ёки ютқаздими, у бефарқ эди. Ёш болани шундай кўрқинчли вазиятга юзлаштириш, яъни бир бирини бўғиб ўлдиришга тайёр бўлган адвокат ва судьяларга, адолатсизлик эди. Ўша вазиятдаги ишлатиладиган атамалар ва ҳукм сураётган кодекслар орасида у нима қилиш кераклигини англаши зарур эди" [5; 139 б].

Жон Гришэм томонидан яратилган романларда баъзан инсон ҳиссиётга берилишингиз мумкин. Бу эса ўқувчини сентименталликка етаклайди. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан романларнинг бош қаҳрамонларини субъектив танланишига сабаб бўлади. Масалан, "Пеликанлар ишида" ёш қиз; "Мижоз" романида - ўн бир ёшли бола; "Олтин ёмғир" романида - ёш, эндигина ҳуқуқшунос дипломини олган қаҳрамон айти шу мураккаб руҳий ҳолатни бошидан кечиради. Буларнинг барчаси жуда оз ҳаётий тажрибага эга бўлган, улар "тизим" дан тўлиқ таъсирланмаган ва унда юз бераётган воқеаларни тўғридан тўғри идрок этиш ва уларга етарли даражада жавоб бериш қобилиятига эга бўлмаган инсонлардир. Улар соддалиги ва ахлоқий поклиги туфайли, атрофдаги дунёда руҳсиз, бетакрор, соҳта ва гайриинсонийликка, воқеа, ҳодисаларга салбий муносабатда бўлишган.

Жон Гришэмнинг асарларида инсоний (шахсий) ўлчовлар одатда оилавий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам жорий қилинганлигини кузатиш мумкин. Кўриб чиқилаётган суд иши унинг асарларидаги бош қаҳрамонларнинг шахсий ҳаётига боғлиқ ҳолда акс эттирилади. Масалан,

"Ўлдириш вақти" романида ота ўз қизи учун қасос олади; "Пеликанлар иши"да қотилнинг қурбонларидан бири бош қаҳрамонни севади; "Мижозлар" романида бир томондан, қўйин шароитларда жасорат билан курашаётган оила, бошқа томондан худди шундай вазиятда бўлган аёл - адвокат; "Камера" романида ўлимга маҳкум қилинган ўз қариндоши бўлган инсонни ҳимоя қилиш; "Олтин ёмғир" романида ўз ўғлини йўқотган оиланинг манфаатларини ҳимоя қилиш; "Ҳукм" романида тамаки компанияларининг жиной ишлари, тамакидан ўлган бош қаҳрамоннинг онаси учун қасос олишга бўлган ҳаракат гавдаланади. Шундай қилиб, асар қаҳрамонлари қуруқ ва бир оз бюрократик таркибли жараёнга ҳиссий, мазмунли ва шахсиятга тегишли бўлган важдарга дуч келади.

Жон Гришэм романларида инсоний мақсадга эришиш учун икки томон ҳаракат қилади. Одатда, бу жуфтлик бош қаҳрамон ва унинг содик ёрдамчисидан иборат, агар бош қаҳрамон эркак киши бўлса унинг ёрдамчиси аёл киши бўлади ёки аксинча. ("Пеликанлар иши"). Биринчи марта бу дихотомия (икки томонлама ёндашув) "Ўлдириш вақти келди" романида Элен Рорк образида намоён бўлди, бу аёл ўз ҳоҳиши билан Жейк Брайеннинг ёрдамчиси бўлган, бундай тамойил Жон Гришэмнинг суд жараёнига тегишли бўлган барча асарларида учрайди. Бу жуфтликнинг асосий вазифаси - инсонлараро ҳамдардликка, бегараз ёрдамга асослангани муносабатлар билан суд машинасининг инсонга бўлган муносабати ўртасидаги зиддиятни кўрсатишдан иборатдир.

Шахсият бюрократияга қарши курашган қаҳрамон образи "Мижоз" романида 11 ёшли Марк исмили бола ва адвокат Реджи ўртасида тузилган шартнома орқали ёритилади. "Реджи боланинг охириги долларини олишни истамади, лекин у бу ишни қилишга мажбур бўлди, чунки бу оdatий йўл бўлиб, бу бола қачон бўлса ҳам бу ҳақни Реджиге тўлар эди. Бундан ташқари, бу бола адвокат ёллаганидан жуда гурурланади. Реджи бу пулни унга қайтариш йўлини топади. 11 ёшли боладан адвокат хизмати учун олинган рамзий тўлов - бу

мажбурликдан қилинган иш сифатида ифодаланган - яъни, "йўлига" маъносида намоеън бўлади. Бу аёлнинг ёрдамга муҳтож боланинг тақдири билан ҳеч қандай қизиқиши йўқ. Ушбу схема асардаги жуда самарали ифодалаш усулидир. Бу, масалан, "Олтин ёмғир" романидаги севги муносабати ҳақидаги танқидий фикр. "Бу, албатта, асосий фитнани амалга ошириш учун ҳеч нарса йўқ, лекин ёзувчи севиб қолган Руди Байлорсиз ҳиссий ва шахсий саҳна тўлиқ бўлмас эди, шунинг учун ёзувчи деярли автоматик равишда, сунъий қаҳрамонни яратди" [1; 309 б].

Жон Гришэм "Пеликанлар иши" асарида мураккаб ижтимоий тузилмалар (суд тизими, маҳфий хизмат, корпорациялар)ни тасвирлашда ушбу тамойил сақланади: ёзувчи қаҳри қаттиқ жамият механизми ролида келган инсон билан унинг шахсий фазилатлари ўртасидаги фарқни ишлаб чиқади. Масалан, бу асарда битта қаҳрамонни - "ФҚБ" директори Дентон Войлзни икки хил вазиятда қабул қилиш мавжуд. Биринчи вазият бу - унинг ичкарига ўзининг қўл остидагилари ўртасига кириб келиши, бу вақтда у ўзи орқали жуда кучли маҳфий хизматни намойиш қилишга ҳаракат қилган. "У янгиликлар холлидан Льюисо К.О. ва иккита агент ҳамроҳлигида ўтиб кетди. Унинг эгнида оддий гижим френч ва унинг қоматини аниқ қилиб кўрсатадиган камари бор эди. У кимгадир зарба бериш учун келаётгани йўқ эди, лекин унинг юриши ва ўзини тутиши шубҳасиз уни ҳамма нарсага қодир эканлигини кўрсатар эди. Ранги тўқ костюмлардаги ҳамма одамлар унинг тутинган отасининг соқчиларига ўхшар эдилар. Улар кириб келганларида янгиликлар холлида ҳамма тинчиб қолди. У зарба бермаган тақдирда ҳам, камтаринми ёки йўқми, Ф.Дентон Войлз юқори поғонада турар эди. Акс ҳолда, у романининг асосий қаҳрамони сифатида намоеън бўлади: "Аввалига уни ёқтирмадим, лекин у кўзларим олдида ўсиб улгайгандек туюлди. Унда инсонийлик бор эди." [3; 355 б]. Унинг миясидаги биринчи фикр ўзгаришининг сабаби оддий: Войлз унинг ҳаётига кириб келиб, унинг ишончига кириб, у билан алоқа ўрнатди. "У Войлзни ёқтирмади, чунки Войлз биринчи

учрашувдаёқ 10 дақиқанинг ичида ҳамма нарсани очиқчасига гапирди" [3; 366 б]. ФҚБ директорининг энг кўзга кўринган фазилати унинг очиқлиги ва инсонийлиги эди. "Мижоз" романида икки хил ҳаётий зиддият ифодаланган: бюрократик суд ва инсон. Бу зиддият қуйидагича: уларнинг бири учун (адвокат Реджи Лав ва боланинг онаси) бир томонда Марк - 11 ёшли бола, иккинчи томонда - айбловнинг ҳақиқий гувоҳи, ўша пайтда прокуратура ва ФҚБ учун у энг асосий гувоҳ эди. Суд машинасидаги қисмчалардан бири эди" [6; 135б].

Жон Гришэмнинг драматургиясида бир ёки бир неча кишининг ҳатти-ҳаракатлари бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қарамлиги ётади. Гришэмнинг романларидаги айбдор қаҳрамонлар тинч яшаш учун ўйиндан чиқиб кетишни хоҳлар эдилар, лекин бунинг иложи йўқ ("Пеликанлар иши"). "У мамлакатдан чиқиб кетади, балки Монреаль ёки Колгарига. У ўша юртларда жиноят очилиб унинг пойлоқчиларини тутишади деб умид билан яшириниб юради. Лекин барча исбот ва далилларни фақатгина у ҳаммадан кўпроқ билар эди" [2; Б 3-12]. "Мижоз" романи ҳам худди шу шаклда қўрилган. Гришэм суд қарорини ёш боланинг иродаси ва онгига боғлиқ ҳолда қуради. Охир-оқибат, ҳар қандай ҳуқуқий жараённинг натижаси ишигирокчиларининг муайян ҳаракатлари натижасидир, чунки бутун суд тизими гўёки бир майдонда юз беради ва ушбу жараёнда инсоннинг шахсий фазилатлари намоеън бўлади.

Жон Гришэм "Пеликанлар иши" романини қандай яратганини қуйидагича изоҳлайди: "Мени ҳар доим Олий суд қарорларининг оқибатлари безовта қилиб келган. Овоз беришда беш нафар одамга тўрт нафар одам тўғри келган. Бу ҳолатда судьялар ўртасида чуқур бўлиниш (ажралиш) юз бериши мумкин. Бир нафар одамнинг овоз бериши ёки бермаслиги бутун суд қарорини тескарсига айлантириши мумкин". "Пеликанлар иши" романининг бутун гайриоддийлиги - муносиб бўлмаган шахсий фазилатли бир судьяни тўғри қарор қабул қила оладиган бошқа бир судьяга алмаштиришда кўринади.

"Қотиллик вақти" романида Жейка Брайгенснинг юқори лавозимдаги касбдошининг айтишича, бу жараён суд тизимининг сифатини намоён қилади: "Тизим ўзида жамиятнинг ҳолатини акс эттиради. Тизим ҳар доим ҳам адолатли эмас, аммо Нью-Йорк, Массачусетс ёки Калифорния штатидаги тизимдан адолатлироқ. У шунчалик адолатлики, инсоннинг ўзи уни ўз ҳиссиётларига бўйсундира олади" [2; Б 3-12].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, Жон Гришэмнинг асарларида, агар инсон иродали бўлса, у адолат ва мақсадга эришиш учун максимал куч сарфлайди, тизим унга бўйсунди, шахсий фазилатларини англаш воситаси бўлади ва у охир-оқибат муваффақиятга эришади. Акс ҳолда, у тизимга тўлиқ боғланиб, гаровга олинди ва тизим измига соладиганларга қарам бўлади. Бу жараёнда "яхши" ва "ёмон" адвокатлар қарама-қарши қўйилади. Ёмон адвокат эга бўлган фазилатлар мафия бошлиғи томонидан ўрнатилган талабномада кўрсатилади: "Унга ўзи ҳоҳлаган пайтда кўнгироқ қилиб учраша оладиган, ўтириб бирга ича оладиган ва зарур пайтда хизматчи топиб бера оладиган адвокат керак эди. Ҳақиқий адвокат!" [5; 31 б]. Яъни Мафиянинг фикрича, - бу шахсий фазилатларидан маҳрум бўлган, ўйиндаги югурдак инсондир ва бу инсонни ўйинни бошқариб турган инсонлар ёллашган. Мафия хизматчиларининг виждонсизлиги, табиийки, уларни шахсий фазилатлардан маҳрум қилади, оқибатда уларни омадсизликка етаклайди: муаллифнинг ёзишича, ёмон адвокатлар обрў-эътиборли бўлишлари қарамасдан суд жараёнида кўпроқ ютқазадилар.

Инсон ўлчами, Жон Гришэмнинг суд тизимига бўлган эътибори билан кузатилмоқда. - Шу ҳолатда галати бир парадокс кўзга ташланади: Гришэмнинг қаҳрамонлари ҳар доим қонун оламида қоқладилар. "Камера" романида бу ҳолат яққол кўринади: "Бир оз вақтдан сўнг Адам уришишни тўхтатди. Бир шиша шаропни ичиб бўлгач, уни машинаси деразасидан ташқарига отиб юборди ва бу билан Миссисипи штатидаги жамоат жойларини

ифлослантириш мумкин эмаслиги ҳақидаги қонунни бузди. Энди у Миссисипи штатининг ҳолати ва унинг қонунлари тўғрисида ўз фикрини билдиришга сўз тополмайди" [4; 585 б]. Қонунга бўйсунмайдиган юристлар Гришэмнинг қаҳрамонларига хос фазилатдир. Бундай қаҳрамонлар Гришэмнинг "Фирма", "Пеликанлар иши", "Олтин ёмғир", "Ҳукм" романларида учрайди ва бу қаҳрамонлар қонун дунёсидаги ўз мансабларини тарк этадилар. Бир қарашда, ҳакамлар институти худди шундай баҳоланади. Унинг учта асосий камчилиги бор. Биринчидан, унинг қарорларини олдиндан айтиб бўлмайди; иккинчидан, суднинг шахсий таркиби - бу шундай объектки, у даъвогар ва судланувчи томонидан манипуляция қилинади, яъни бошқарилади. Чунки, уларнинг вазифаси улар учун керак бўлган ҳукми чиқаришдир. Учинчидан, суд хизматчиларининг касбий маҳорати паст бўлгани сабабли, улар қарор қабул қилиш вақтида ўз ҳиссиётларига берилладилар.

"Энг муҳими - ҳакамлардир. Айбдорлик айбсизликка қарши. Озодлик қамоққа қарши. Ҳаёт ўлимга қарши. Бу нарсаларни Судя ҳал қилади. Тирик Жоннинг бир бутун ҳаётини 12 нафар бетайин ва қонунни етарли даражада тушунмайдиган инсонларга топшириш - ишончсиз нарса" [6; 244 б]. Бироқ, бу камчиликлар қуйидаги формула билан қисқартирилиши мумкин: ҳакамлар ҳайъати судида қатнашувчилар тирик одамларнинг тақдирини ҳал қилишади. Суд жараёнида қатнашиш билан, улар қонун кодекслари ва тартибларини четлаб ўтмайдилар албатта. Шу билан бирга улар бу жараёнда шахсий ниятларини ҳам амалга оширадилар. Шунинг учун, одатий ва ҳиссиётларга асосланган ҳолда қабул қилинган қарорлар кўп ҳолларда тўғри, яъни адолатли бўлиб чиқади. Тажрибали адвокат Жейк Брайгенсга "Қотиллик вақти" романида шундай ваъда беради: "Олдинда энг қийин нарса турибди", дейди Лусин. - Кутиш керак, бу ўн икки фуқаро тугатмагунча. "Тентак тизим, а?" - Ҳа, тентак тизим. Лекин, одатда, у ишлайди. Юз фоиздан 90 фоиз ҳолатларда суд хизматчилари ҳақ бўлиб чиқадилар" [4; 246 б]. Тизим ақдан



озган, лекин оддий одамлар камдан-кам ҳолларда мутахассисларга қараганда (тизимнинг гаровдаги одамлари) хатоларга йўл қўйишади. Бу ҳайбат жараёнининг муваффақияти ундаги суд хизматчиларининг қонун ва далилларни манипуляция қилиш маҳорати билан эмас, балки суд хизматчилари билан шахсий-ҳиссий алоқа ўрнатиш, яъни бу вазиятга инсонийлик ўлчамларини киритиш билан белгиланади. Бу суд хизматчилари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаққоний эканлигини белгилайди. "Қотиллик вақти" романида адвокат ўз мижозига: "Сиз қотиллик ишида суд нима эканини биласиз, сиз ўзингиз бу жараёнда иштирок этдингиз. Учрашув хонасидан чиқиш вақтида ҳайбат аъзоларининг кайфияти қанчалик муҳимлигини тушуниш сиз учун қийин эмас. Ўша онда сизнинг ҳаётингиз уларнинг қўлида. Ўн икки киши, ҳаммаси битта маҳаллий аҳоли учун йиғилиб, мунозара қилишади ва сиз учун яшаш ёки яшамаслик ҳақида қарор қабул қиладилар. Ҳамма нарса ҳақамларга боғлиқ. Шунинг учун улар билан тил топишиш жуда муҳим" [6; 546 б].

Жон Гришэмнинг романларида касбий маҳорат, ноаниқ ҳаракат ва судларнинг жўшқинлиги ортиши уларни қарор қилишда хато қилишдан сақлайди. Аҳолининг қалбидан ўтган далил ва исботлар ҳақиқий, жонли ва реал фактларга айланиб, бу фактлар асосида ҳаққоний қарор қабул қилинади.

Ўлим жазоси масаласини талқин қилишда ҳақамлик судлари институтини баҳолаш мезонлари ҳам мавжуд. Бу муаммо Джон Гришэмнинг икки романига: "Қотиллик вақти" ва "Камера" асарларига тааллуқлидир.

"Қотиллик вақти" романида Жейк Брайгенс жазо чорасини қўллаш учун ўзининг асосини беради: "Тушунарли. Лекин сиз қандай қилиб ким ўлишга лойиқ ёки лойиқ эмаслигини аниқлайсиз? Сиз жиноятчига ва унинг қилган ишларига қарайсиз. Агар у уч яшар қизнинг номуслига тажовуз қилиб, унинг бошини ифлос сув билан бир қўлмакка қўйиб чўктурса ва сўнг бутун танасини кўприкдан ташлаб юборса, сиз унинг ҳаётини бемалол оласиз, -Худога

шукур. Агар қамоқдан қочган маҳбус фермага бориб, қариган эри-хотинни мазах қилиб, сўнг уларни ёқиб юборса, сиз бу маҳбусни стулга ўтқазиб, унинг оёқ қўлини камар билан боғлаб, сым билан ўраб токка улайсиз ва унинг жони учун ҳамда сано айтасиз. Агар икки нафар гиёҳванд бир боланинг номуслига тажовуз қилиб, камига уни калтаклаб, оёқларидаги оғир молбоқарларнинг этиклари билан уни тепиб, жағини синдирсалар, сизлар уларни газ камерасига қамаб, камера шиша ойнасидан уларни қандай қийналишини томоша қиласизлар. Бу сизлар учун оддий ҳолат. Бу - ўзбошимчалик. Ўзбошимчалик - бу жиноят. Ўлим улар учун энг юмшоқ жазо" [6; 348-349 б].

"Камера" романида ўлим жазоси масаласига тўғридан тўғри қарама-қарши муносабат берилган: "Улар Сем билан нима қилишмоқчи эканликларини тушунаёписми? - Ҳукми ижро этиш. - Тўғри, ҳукми ижро этиш, газ билан заҳарлаб ўлдириш, ўликка айлантириш - қандай ҳоҳласангиз ифодаланг. Лекин бу - қотиллик, Кармен. Қонунлаштирилган қотиллик. Мен қотилликка қаршиман ва уни олдини олиш учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Бу ифлос иш, агар ахлоқий масалалар йўл тўсадиган бўлса, мен уларни супуриб ташлайман" [4; 348-349 б]. Иккала нуқтаи назар бош қаҳрамонлар томонидан билдирилган, муаллиф уларни буюк ҳамдардлик билан тасвирлайди ҳамда улар ёрдамида ўзининг шахсий фикрларини ифодалайди.

Юқоридаги икки фикр қарама-қаршидек туюлади. Биринчи вазиятга оддий бир инсоннинг шафқатсиз жиноятга нисбатан муносабати ҳақида сўз борапти. Жиноят қурбонининг ҳиссий кечинмалари келтирилаяпти. Шу маънода, ўлим жазоси, ўз-ўзини мудофаа қилишнинг энг самарали ва маъқул усули деб қаралиши мумкин: ўзбошимчаликка ўзбошимчалик билан жавоб қайтариш.

"Камера" романида муаллифнинг диққат марказида ўлим жазоси суд механизмининг элементи ҳисобланади. Бу механизм қилинган жиноятга жавоб бўлиб эмас, балки сиёсий қурол бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолатда жамиятни ўша ўлим жазоси

орқасида тирик инсонлар туриши қизиқтирмайди. "Жиноятлар қанчалик оғир бўлса, инсонлар шунчалик ўлим жазосини кўп талаб қиладилар. Инсонлар жамият қотиллардан кутулади деб ҳисоблайдилар. Сиёсатчилар сайловолди компаниялари билан ишлайдилар, қамоқхоналарни кўпайтиришни ваъда қиладилар, жазоларни кучайтириб, ўлим жазосини кўпайтирадилар" [4; 118 б]. "Сэм бошида ноқ давлат ҳокимиятининг уни ўлдириш нияти борлигини айтди. Миссисипи штати Луизиана, Техас ва Флорида штатларидан орқада қолган эди, ҳаттоки Алабама ва Виржиниядан ҳам орқада эди. Бу штатларда ўлим жазосини кўпроқ қўллашар эди. Бу нарса билан курашиш лозим эди. Судлар чексиз апелляциялар (ишни қайта кўриб чиқиш) билан тўлиб кетган эди. Жиноят гуриллаб кетаётган эди. Бутун мамлакатга бу штатда қонун ва тартибга жиддий қаралаётганликни кўрсатиш ва исбот қилиш учун кимнидир ўлимга маҳкум қилиш вақти келган эди" [3; 585 б].

"Камера" романида ўлим жазосига маҳкум қилинган жиноятчилар сиёсий тизим томонидан гаровга олиниб, улардан қилган жиноятлари бўйича эмас, балки қисқа муддатли иқтисодий вазиятда фойдаланилади. "Сэм сигарета чекди ва тамаки тутуни ёмғир томчиларига қарши кўтарилаётганига қараб турар эди. Суд тизимида даҳшатли воқеалар юз берапти. Бугун суд бир қарор қабул қилса, эртага бошқача қарор қабул қилади. Ўша судьяларнинг ўзлари бир хил иш юзасидан ҳар хил қарор чиқарадилар. Суд тақдим қилинган арзнома, мурожаатнома ва апелляцияларни бир неча йил давомида ҳисобга олмай, бироқ бир кун келиб қисқа вақт ичида бу ҳужжатларни тан олиб, маҳбусга енгиллик яратиши мумкин. Судьялар вафот этиб, уларнинг ўрнига бошқалари келади ва умуман бошқача иш тутадилар. Президентлар келади ва кетади, келганлари суд органларига ўз таниш-билишларини жойлаштирадилар. Олий суд бир у томонга, бир бошқа томонга судралиб юраверади" [4; 225-226 б].

Жон Гришэмнинг романларида мантиққа мос келмайдиган вазият таърифланади: инсонлар қанчалик ўлим

жазосига яқин бўлсалар, улар шунчалик унга қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Ўлим жазоси фақатгина ўзидан йироқда бўлган оддий инсонлар томонидан қўллаб қувватланади. Юқорида кўрсатилган диалогда бош қаҳрамон Адам Кейхолл тинч осуда ҳаёт кечираётган ёш синглисига берилган шафқатсиз ўлим жазосини тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўша вақтнинг ўзида ўлим жазосини амалга оширувчилар (яъни жаллодлар) тўғридан тўғри жиноятчилар билан алоқада бўладилар ва табиий ҳолда ўлим жазосига қарши бўладилар. Масалан, "... қамоқхона бошлиғи ўлим жазосига бутунлай қарши. У жамият бу жазо турини қўллаб - қувватлашни тушунар эди ва аллақачон бу жазо турининг далил ва сабабларини ёллаб олган эди. Бу қасос олиш учун жамиятнинг эҳтиёжларини қондиради, қотиларни йўқ қилишга хизмат қилади. Бу ҳақда Библия деб аталган "Муқаддас" китобда ҳам ёзилган, бу жазо фавқуллодда чора бўлиб, жиноят қурбонларининг азобларини енгиллаштиради" [4; 120 б]. Жон Гришэм шундай дейди: "Қатлнинг амалга оширилиши унинг елкасида эди, у ўз касбининг мана шу томонига нафрат билан қарар эди. Филипп Нейфи айбланувчи билан камерадан чиқаётган эди, улар изоляторга кетишаётган эдилар, жиноятчининг ўлимига азобли ярим соат қолган эди. Филипп Нейфи жиноятчининг оёқ-қўллари яхшилаб маҳкам боғланганми ёки йўқми қараб чиқаётган эди.

Ўлим жазосини белгиловчиларга бу жиноятчи шунчаки бир қолипга ўхшаш ёки расмиятчиликдек нарса эди, лекин қамоқхона бошлиғи учун - у бир тирик инсон эди. Шундай қилиб, бош қаҳрамон икки нарсанинг ўртасида зиддиятли вазиятда қолаётган эди, яъни кучли ижтимоий институт ҳисобланган, ақлий, маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳамда руҳий рағбатлантирилган кучга эга бўлган "ўлим жазоси" ва ўлим жазоси сабабли йўқ бўлиб кетаётган инсоний ҳиссиётлар ўртасида. Қачонки инсоннинг фикрлари ақидаларга асосланган бўлса, ёки у инсон мавҳум фикрлар орқасида яширинган бўлса, у ўлим жазосига оддий ёндашса бўлади. Бир қамоқхона аъзосининг тутган йўли

қуйидагича ифодаланади: "Пеккер қатлга нафрат билан қарар эди. У ўлим жазосини фақатгина диндор шахс бўлгани учун қабул қилар эди, Библия - "муқаддас" китобида ёзилган: жонга жон, қонга қон. Бу ўлим жазоси ҳақида" [4; 155 б].

Вазиятнинг энг даҳшатли ва қўрқинчли томони шунда эдики, ҳеч ким Сэм Кейхоллга ўлим тиламаган эди, бу инсоннинг тақдири диққат марказида эди. У ўзининг ўлим жазосида қатнашадиган инсонларнинг унга қилаётган муносабатлари ҳақида шундай дейди: "Аслида, мени ўлдиришни ҳеч ким истамайди. Қандайдир эси паст, тўққиз бармоқли бир жаллод ўлим жазоси ҳукмини амалга оширади. Агар ундан оёқ-қўлимни қачон боғлашади деб сўрасанг, у: "Мен ўз вазифамни бажаряпман" деб жавоб беради. Мени олиб борадиган қамоқхона руҳонийси, қамоқхона шифокори, қамоқхона психиатри, соқчи ва мени газ камерадан олиб чиқадиган навбатчи тиббиёт ходими - буларнинг ҳаммаси жуда яхши йигитлар, улар менга умуман қарши эмаслар. Улар шунчаки ўз вазифаларини адо этишяпти" [4; 194 б].

Сэм мавҳум тамойилларнинг қурбони бўлиб қолмоқда эди. Бу тамойиллар орқасида тирик инсон ва унинг шахсияти йўқ бўлиб кетаяпти. У ўзига белгиланган ўлим жазосини амалга оширувчилар билан ҳеч қандай муносабатда бўлишни истамайди. Бу ҳимоячилар Сэмни навбатдаги сиёсий намойиш учун асос қилиб кўрсатишади. Унинг газ камерасига тушишига сабаб бўлган жинояти

қурбонларга бўлган шахсий адовати туфайли содир бўлмаган, балки ўша пайтда Жанубий Америкада мавжуд бўлган ирқий фикрлар туфайли қилинган буйруқ асосида содир бўлган жиноятдир. Бу романни Жон Гришэмнинг энг машҳур романларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ноодатий бўлган Сэм Кейхолл образи кетма кетликда кўпроқ таъсирли равишда Жон Гришэм ижодининг асосий гоъвий қарама - қаршилигини очиб беради: бир томонда - бир инсон - тизимнинг бир қисми бўлиб, у шу тизимнинг камчиликларини ўзига сингдиради ва бошқа томонда - шу тизимга қарши бўлган инсон, бу инсон тизимнинг қурбониға ёки голибига айланади.

Хулоса қилиб айтганда, Жон Гришэмнинг юридик триллерларида олам гўёки бир майдон бўлиб, бу майдонда ижтимоий тизим катта ҳамда беқисс фаолият кўрсатади ва бу тизимда инсонийлик борлиги заифлашган. Жон Гришэм инсонга нисбатан шафқатсиз қонунларни ва бутун тизимни фош қилиш мақсадида ҳамда адолатни ўрнатish учун ўзининг асарларида инсон ва тизим ўртасидаги яккама - якка курашни тасвирлайди. Шу туфайли XX аср охирида Америка юридик триллерига адолат-ҳиссий ва шахсий характерга эга бўлади. Жон Гришэм асарларининг охиридаги қаҳрамонларининг галабаси шуни кўрсатадики, инсон - унинг мураккаблиги даражасига боглиқ бўлган ҳолда, ҳар қандай энг мураккаб ҳамда мукамал деб ҳисобланган ва ташкиллаштирилган механизм ёки машинадан ҳам кучли ва юқоридир.

## ДАБИЁТЛАР:

1. Pringle M. John Grisham: a critical companion - Westport, Connecticut: Greenwood Press, 1997.
2. Агеева М. Г. Человек и система в юридическом триллере Джона Гришэма и Вестник Удмуртского университета. № 5. вып. 2. спецвып. Филологические науки. - 2007. (Ageeva M.G., The Man and the System in the Legal Thriller of John Grisham and the Bulletin of Udmurt University. № 5. issue. 2. special. Philology. - 2007.)
3. Гришэм Д. Дело о пеликанах М.: Изд-во "Новости", 1993. (Grisham D. The Case of the Pelicans M.: Publishing House "News", 1993.)
4. Гришэм Д. Камера. М.: Центрполиграф, 1994. (Grisham D. Camera. M.: Tsentrpoligraf, 1994.)
5. Гришэм Д. Клиент М.: АО "Изд-во "Новости", 1994. (Grisham D. Client M.: JSC "Publishing house" News", 1994.)
6. Гришэм Д. Пора убивать. М.: Изд-во "Новости", 1994. (Grisham D. It's time to kill. M.: Publishing House "News", 1994.)

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

**"БОБУРНОМА" АСАРИДАГИ ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАР ВА ИНГЛИЗЧА  
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Тешабоева Зиёдахон Қодировна,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**For citation: Teshaboyeva Ziyodaxon.** Military terms in "Baburnoma" and a comparative analysis of their English translation. International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 14, pp. 92-98



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-14>

*Келиб тушган сана 20 март, 2019*  
*Эълон қилинган сана 31 март, 2019*

**АННОТАЦИЯ**

Мумтоз асарлар таржимаси ўта мураккаб ва долзарб. Аждолларимиз меросини мутаола қилиш, уларни ўрганиб ҳаётга татбиқ этиш илмда янги йўл очишдан кўра афзалроқдир чунки мутафаккирлар ижоди, уларнинг гоялари ҳаёт учун старли сабоқ бўлади. "Бобурнома" аслияти, услуби ва лексикаси кўплаб тадқиқотчилар учун тадқиқот манбаи бўлган. Тадқиқотчи, сўз бирикмаси "такаллуф" ҳақидаги ҳарбий терминлар бир эмас бир неча мисолларда изоҳланади. Улар Жон Лейден-Вильям Эркин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996)нинг инглизча таржималарида қиёсий таҳлил этилади. "Бобурнома" да қўлланган "такаллуф"нинг маъно товланиши ва ҳарбий терминда ҳам ифодаланишини аниқ мисолларда ёритиб берилади.

**Таянч сўзлар:** "Бобурнома", фразеологик бирлик, сўз бирикмаси, такаллуф, ҳарбий термин, аслият, табдил, инглизча таржима.

**СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ВОЕННЫХ ТЕРМИНОВ И АНГЛИЙСКИХ  
ПЕРЕВОДОВ "БОБУРНАМЕ"**

**Тешабоева Зиёдахон Қодировна**  
Доктор философии филологических наук (PhD) УзГУМЯ

**АННОТАЦИЯ**

Перевод классических произведений по сей день не теряет своей актуальности и сложности. Изучение наследия предков, претворение в жизнь их положительного опыта лучше, чем открытие новых путей в науке, потому что в творчестве мыслителей прошлого, в их идеях достаточно жизненной мудрости. Оригинал "Бабурноме", его стиль и лексика явились источником анализа для многих исследователей. В статье военные термины комментируются исследователем на целом ряде примеров. В частности, приводится сравнительный анализ военных терминов в английских переводах Жон Лейден-Вильям Эркина (1826), Анетты Сусанны Бевериж (1921) и Вильера

Текстона (1996). На конкретных примерах обосновано, что смысловые оттенки такаллуфа, примененного в "Бабурнаме" выражены и в военных терминах.

**Ключевые слова:** "Бабурнаме", фразеологические единицы, словосочетания, такаллуф, военная терминология, оригинал, варианты английских переводов.

## MILITARY TERMS IN "BABURNOMA" AND A COMPARATIVE ANALYSIS OF THEIR ENGLISH TRANSLATION

**Teshaboyeva Ziyodaxon Qodirovna**

Uzbekistan State World Languages University Doctor of philosophy on philological sciences

### ANNOTATION

The translation of classic works is extremely complicated and crucial. The study of the heritage of our ancestors, and their application to the real life is more important than to discover new methods in science, since the creativity and ideas of the intellectuals may truly be considered a life lesson for younger generation. The original style and lexicon of Baburnoma have been a source of study for many researchers. The following paper examines the military terminology of "takalluf" (formality) based on several examples. They have been analyzed in a comparative plan in the English translations of John Leiden - William Erkin (1826), Anetta Susanna Beverage (1921) and Viler Texton (1996). The semantic diversity of the "takalluf" in Baburnoma and its seme as a military term were illustrated on particular examples.

**Key words:** "Boburnoma", phraseological unit, collocation, formality, military term, originality, English translation.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳалари учун кадрлар тайёрлаш ишини замонавий даражада олиб боришни талаб этади. Шу сабабли мутахассислар тайёрлаш жараёнида илғор таълим технологиялардан унумли фойдаланишни ташкил этиш долзарб масалалардан биридир.

"Таълим тўғрисидаги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш замонавий даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлган бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш эса Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига имкон яратади. Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин эканлигини ҳисобга олишимиз лозим [1].

Таълим жараёнида таълим олуқининг диққат марказида бўлишни таъминлаш учун таълим муассасаларига ўз соҳасидаги билимларни мустақкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол таълим методларини билладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар керак [3; 4]. Бунинг учун миллий-маданий қадриятларни ўзида мужассам этган, миллатни жаҳонга танитишда ўз касбининг моҳир устаси бўлган баркамол авлодни тарбиялашда фидойи кадрларни тайёрлашни талаб этади.

Барчамизга маълумки, юксак маънавият ва маданият эгаси бўлган, теурий шахзода Заҳриддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асари билан жаҳон маданияти, дунё халқларининг тарихи, адабиёти ва санъатини бойитишда беқисс ҳисса қўшган. Унинг асарлари асрлар давомида жаҳон халқлари томонидан чуқур ўрганилган ва ўрганилмоқда, авлоддан авлодга ўтиб, қўлаб дунё тилларига таржима қилинмоқда.

"Бобурнома"да XV аср охири - XVI аср бошларидаги Марказий Афғонистон ва хусусан Ҳиндистон ярим ороли тарихий этнографияси, географик жойлашиш ўрни,

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, одамларининг яшаш тарзи, маданияти, тили, дунё қарашлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, ушбу асар кўп асрлардан бери дунё тарихчилари, тилшунослари ҳамда бошқа соҳа вакилларининг диққат-этиборини тортиб келган.

Ушбу асар яратилганидан буён адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик ва қиёсий типология каби фан соҳаларида ҳам тадқиқотчи олимлар томонидан кенг қамровда ўрганиб келинмоқдаки, бугунги кунда ҳам ечим топиши лозим бўлган таржиманинг бошқа муаммолари ушбу асар таржималари орқали барҳам топаётгани кун тартибининг бош масалаларидан бири бўлиб турибди.

Бобур шахси ҳақида гапирилганда, у буюк саркарда, черик элига ибрат бўлган сергайрат қор тепувчи ва бардошти сардор, ўзидан ёши улуг аскарари иситмалаб қолган маҳал, ярим тунда гордаги ўрнини бўшатиб берган жавонмард шахс англашилади. У черик элига қўшилиб, "Дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир" дейди. У ушбу мақол билан, дўстлар билан чеккан захмат, ҳатто ўлим ҳам осон кечилиши таъкидлайди. Асардаги мақол, матал, нафақат фразеологик бирлик, қолаверса ундаги лексик бирликлар, сўз бирикмалари ҳам том маънода турлича талқин этилади.

"Бобурнома"даги фразеологик бирлик ва сўз бирикмаларининг ҳарбий термин мазмунида қўлланиши, бугунги кунда архаик сўзлар қаторидан ўрин олган ва инглизча таржималарда қай тарзда акс этишини очиб бериш қизиқарли жараёндир. Зеро, "Бобурнома" ҳарбий терминларга бойдир.

Асарда бетакаллуфона келмоқ (расмий нишонсиз келмоқ), банд қилмоқ (асир олмақ), гургоштироқ қилиб ёнмоқ (нари бери сулҳ тузган бўлиб қайтиб кетмоқ), илгорини яхши босмоқ (лашкарини яхши босмоқ), пиёзи тегурмоқ (бировни гурзи билан урмоқ), киши қора олдурмоқ, (бирор кишини йўқотмоқ), мардона иш қилмоқ (мардларча иш қилмоқ), саркашлик мақомиди бўлмоқ (мол бермай бош тортмоқ ёки пайсалга солмоқ), сипоҳийликни тарк қилмоқ (амалдорликни тарк қилмоқ) каби ҳарбий термин мазмунини қамраб олган

фразеологик бирлик, лексик бирлик ва сўз бирикмалари ҳам кўп қўлланадики, ҳозирда архаик сўзлар қаторидан ўрин олган ва мазмун жиҳатидан воқеа ҳодисаларни тасвирий ва образли ифодалашда муаллиф томонидан қўлланилиши муҳим аҳамият касб этган. Масалан, "Бобурнома"даги қуйидаги бир мисолни олайлик.

Кечроқ бир неча отлик Деҳи Афгон саридин йўл била шахр сари ўтуб борадур. Таҳқиқ қилилди: Дарвеш Муҳаммад сорбон экандурким, Мирзохон қошидин элчиликка келадур экандур, том устидин чорладук. Дейдиларким, тўра ва тўқа била элчилик қилурни қўйгил, бетакаллуфона келгил! [5;174].

Матн ўқувчига тўлиқ тушунарли бўлиши учун ушбу парчанинг ҳозирги ўзбек тилидаги табилини ҳам келтирамиз:

Кечроқ бир неча отлик Деҳи Афгон тарафдан йўл бўйлаб шаҳар томонга ўтиб кетаётганди. Суриштириб билдик - Дарвеш Муҳаммад сорбон экан Мирзохоннинг қошидан элчиликка келаётган экан, том устидан чорладик. "Қонун-қоида билан амалдорларча элчилик қилишни қўй, такаллуф қилмасдан келавер!" дедик [6;179].

Муаллиф такаллуф қилмасдан келмоқни расмиётчилик қилмасдан, бемалол келиб қўшилиш, улар билан тановвул қилишни назарда тутган. Чунки ҳар бир давр ўзига хос, ва касбига мос давлат иш юритиш тартиби, қонун-қоидаси ва яшаш тарзига эга бўлган. Идиоматик мазмунга эга гап бетакаллуфона келгил! "Бобурнома"нинг 2008 йилдаги қилинган табилида (юқоридаги) ҳам такаллуф қилмасдан келавер! деб берилади. Бундан ташқари муаллиф такаллуф, бетакаллуфона сўзларини асарда кўп маротаба қўллайди, такаллуф сўзининг ўзи қуйидаги байтда ҳам акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Такаллуф ҳар неча суратта бўлса ондин ортиқсен,

Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен [6;88].

Ушбу мисолда ҳарбий мазмунда эмас балки, мақташ яъни, бадий такрор ташбеҳни англатади, юқорида қайд этилган мисол мазмунидан фарқ қилади. Биринчи сатрдаги Такаллуф ҳар неча суратта бўлса ондин ортиқсен - Агар суръатни шу қадар

чиройли чизилганлигини мақтасам ҳам сен ундан чиройлисан; Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен - Сени жон деб аташади, лекин ҳақиқатдан муболагасиз жондан ҳам азизсан, деган мазмун англашилади. Бу мисолдан кўрамизки, Такаллуф ҳарбий терминдан фарқли ўлароқ бадийий ифода мазмунида акс этган.

"Бобурнома" инглиз тилига кўп маротаба ўгирилган. Ўша бир неча инглизча таржималар орасида Жон Лейден-Вильям Эрскин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996)нинг таржималари адекват таржима деб тан олинган, улар орасидаги йиллар фарқи, давр таъсири сезиларлидир. "Бобурнома" инглиз тилига қайта-қайта таржима қилинишига эҳтиёж туғилган экан, унинг бугунги кунда ўзимиз ўрганишга бўлган эҳтиёж чет эллик таржимонларникидан кам эмаслигини таъкидлаган ҳолда мақоламизда ҳарбий терминларнинг бошқа терминлардан фарқи ва таржималарини қиёсан ўрганиш мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, юқорида келтирилган Кечроқ бир неча отлик Деҳи Афғон саридин йўл била шаҳр сари ўтуб боралур. Таҳқиқ қилилди: Дарвеш Муҳаммад сорбон экандурким, Мирзохон қошидин элчиликка келадур экандур, том устидин чорладук. Дейдиларким, тўра ва тўқа била элчилик қилурни қўйил, бетакаллуфона келгилни! "Бобурнома"нинг 1826 йилда Жон Лейден-Вильям Эрскин ва Вильер Текстон (1996)нинг инглизча таржимасига эътибор қаратамиз.

Жон Лейден-Вильям Эрскин таржимаси:

When it was rather late, some horsemen were observed coming along the Deh-Afghanan road, proceeding to the city. I ascertained that they were Derwish Muhammad Sarban and his people, who were coming on an embassy from Mirza Khan we sent for him up to the terrace. "Put aside the form and state of an ambassador," said, I, "and sit down and join us without ceremony" [8; 269]. - Кеч кирган пайт бир неча отлик аскар Деҳидан Афғон томон шаҳарга кетиш йўлида шаҳарга кетаётганлиги кузатилди. Мен аниқладимки, бу Дарвеш Муҳаммад Сорбон ва одамлари билан Мирзахондан келаётган элчилар эди, биз айвондан туриб,

унга одам юбордик. "Элчилик ва формангизни қўйинг", дедим мен ва "ўтиринг ва ҳеч бир расмийчиликсиз билан бизга қўшилиг".

Асарнинг 1921 йилда Анетта Сусанна Бевериж таржимаси:

Rather late a few horsemen were observed, going from Dih-i-afghan towards the town. It was made out to be Derwish-i-muhammad Sarban, on his way to me as the envoy of Mirza Khan (Wais). We shouted to him from the roof, Drop the envoy's forms and ceremonies! Come! come without formality! [4; 401,402]. - Бир неча отлик Деҳидан Афғон томон, шаҳарга кетаётганида анча кеч кириб қолганди. Хабар топишдики, Дарвеш Муҳаммад Сорбон Мирзахондан менга элчиликка келаётган эди. Биз унга томдан бақирдикки, "Элчилик нишонингиз ва расмийчилигингизни ташланг! Келинг! расмийчиликсиз келинг!"-деб акс эттирган.

Сусанна Бевериж таржимасида жой номлари (Dih-i-afghan, Derwish-i-muhammad Sarban) ва тарихий шахс исмларини хато ёзади, шунга қарамай берилган парчадаги бетакаллуфона келгилни! Drop the envoy's forms and ceremonies! Come! come without formality!-тарзида анча яхши ўгиради. Баъзи таржималарни кўздан кечирганда япон олими Киото университетининг профессори Эйжи Манонинг "Сусанна Бевериж таржимаси бадийий жиҳатдан анча яхши дейиши ҳам нисбатан тўғри эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Юқоридаги аслият мисолини 1996 йилдаги Америкалик таржимон Вильер Текстон қуйидагича ўгиради:

